БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 206 (18.384). • Пайшанба, 1982 йил 9 сентябрь • Баҳоси 3 тийин.

ПАХТА-ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг борши тўғрисида шу йил 8 сентябрга бўлган МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Бухоро	1,94	12,15	—	—
Хоразм	1,73	7,13	0,09	0,09
Навоий	1,27	6,78	—	—
Сурхондарё	1,06	6,31	0,34	1,29
ҚҚАССР	1,04	5,10	—	—
Қашқадарё	0,87	4,41	0,02	0,07
Наманган	0,95	3,54	—	—
Андижон	0,95	3,52	—	—
Самарқанд	0,83	3,49	—	0,01
Фарғона	0,92	3,01	—	—
Сирдарё	0,12	0,64	—	—
Жиззах	0,15	0,61	—	—
Тошкент	0,09	0,30	—	—
Республика бўйича:	0,92	4,34	0,03	0,12
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Сурхондарё	0,96	4,71	—	—
Бухоро	0,72	2,42	—	—
Қашқадарё	0,49	1,88	—	—
Навоий	0,20	0,34	—	—
Наманган	—	—	—	—
Республика бўйича:	0,77	3,50	—	—

ЗАФАР САТРЛАРИ

Наманган райони ғаллакорлари давлатга дон топшириш социалистик мажбуриятларини бажардилар. Пландаги 2360 тонна ўрнига 4100 тонна дон топширилди. Шунинг 3500 тоннасини маккажўхори дони ташкил этади. Норин райони ўзумчилари эса йиллик планни муддатидан илгари бажардилар. Эл дастурхонига 375 тонна узум етказиб берилди. СССР юбилейи шарафига яна 25 тонна узум тайёрланади.

* * *

Қизилтепа районидаги 3-совхознинг меҳнаткашлари «Ўртачўл» қўриқ массивида пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Хўжалик аъзолари йиғим-теримни бошлашди. Ш. Ражабов ва Ғ. Ҳошимов етакчи бўлган бригадада йиллик план бажарилди. Шу райондаги «Бўстон» совхозидан Э. Рўзиев, «Бухоро» совхозидан Т. Очилов бригадалари ҳам маррага етдилар.

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР!

СУРЪАТГА СУРЪАТ ҚЎШАЙЛИК!

МАТБУОТ ВА ИЛҒОРЛАР ТАЖРИБАСИ

Совет кишиларининг корхоналардаги, қурилишлардаги, қишлоқ экинзорларидаги, фан ва маданият соҳасидаги бунёдкорлик меҳнати минг-минглаб новаторларни, бош йиллик илғорларини юзага келтирмоқда. Пешқадамларнинг намунаси уларнинг кетидан боришга интилишини ёритиб турибди. Ишлаб чиқаришни интенсивлаш тажрибаси, камроқ чиқим қилиб, юксак пировард натижаларга эришиш маҳорати — бебаҳо ижтимоий бойликдир. КПСС XXVI съезди илғор тажрибани ўз вақтида умумлаштириш ва планли равишда оммалаштиришни таъминлаш вазифасини қўйди. Бу вазифани ҳал этишда матбуотимиз, телевидение ва радиоэшиттириш масъулиятли роль ўйнайди.

Совет матбуотини тўла ҳуқуқ билан хўжалик юритиш ва бошқариш энг яхши тажрибасининг оммавий, коллектив мактаби деса бўлади. Ташаббускор ишларнинг, социалистик мусобақа моҳирона ташкил этилишининг намуналарини пропаганда қилиш, бу намуналар кенг миқёсда, тез жорий этилишига интилиш — журналистлар учун ижодий қонда бўлиб қолган. Ижодий изланиш йўлидан бораётган кишилар, ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстиришнинг янги резервларини очаётган ва ўз касбкор маҳоратини бошқаларга саховат билан ўргатаётган кишилар матбуот, телевидение, радио орқали мактов сўзлари эшитишга, актив қўллаб-қувватланишга лойиқдирлар.

Кўпгина нашрлар кейинги вақтларда мана шундай материалларни тайёрлашга эътиборни анча кучайтирди. «Челябинский рабочий» газетаси беш йиллик пешқадамлари тажрибасини тўлиқроқ тасвирлаб беришга интилмоқда. «Кузбасс» газетасининг тежамкор, омилкор меҳнатчилар тажрибасини ёритувчи мақола ва очерклари газетхонларга манзур бўлмоқда. «Южный Урал» (Оренбург) газетаси ҳосил ўримидаги илғор методларни қунт билан пропаганда қилмоқда, механизаторларнинг ташаббусини кўрсатиб бермоқда. Шу тарзда матбуот янги, илғор усулларнинг қарор топишига кўмаклашмоқда. Журналистларнинг бу соҳадаги изланишларини муттасил ривожлантириш ва чуқурлаштириш, матбуотнинг чиқишлари шу беш йилликда партия ташкилоти, меҳнат коллективлари олдида турган вазифаларни ҳал этишга янада активроқ кўмаклашишга интилиш лозим.

Ички резерварни очиб беришга, меҳнатни ташкил этишнинг бригада формаларини, шунингдек, одамларда ўз ишига чинакам ижодий ёндашиш фазилатларини тарбиялаш тажрибасини ривожлантиришга қаратилган яхши ташаббусларга матбуот алоҳида эътибор бериши лозим. Меҳнат коллективларнинг турмушини батафсил, атрофлича ёритиш, уларнинг инсон шахси камол топишига, унинг ишчанлик ва ғоявий-ахлоқий фазилатлари шаклланишига таъсирини кўрсатиб бериш зарур. Чунки ишлаб чиқариш новаторлари айни коллективда юзага чиқиб, ёзга етади, меҳнатнинг самарадорлиги, маҳсулотнинг сифати ошиб бориши, фан ва техника ютуқлари, илғорларнинг янгиликлари асосида қувватлардан жуда тўла-тўкис фойдаланиши таъминланади.

Озиқ-овқат программаси қандай бажарилаётганлигини ёритиш ҳам журналистлардан доимий изланишни талаб қилади. Матбуот ўз чиқишларида ижобий намунанинг қучмга асосий эътиборни қаратиши, меҳнатни ва бошқарувни моҳирона ташкил этиш, ташаббускорлик туфайли ишлаб чиқаришни ўстиришга, дала ва фермалар маҳсулоти сифатини яхшилашга эришаётган совхозлар, колхозлар, агросаноат бирлашмаларн тажрибасини чуқур таҳлил этиб, ёритиб бериши муҳимдир.

Матбуотнинг шундай чиқишлари самарадорлиги, уларнинг ижтимоий таъсирчанлиги — биринчи даражали масаладир. Шуни эътироф қилиш керакки, баъзи редакцияларда матбуотнинг обрўси ва таъсирчанлиги тўғрисида танқидий материалларнинг миқдори ва улар юзасидан кўрилган чоралардагина қараб фикр юритиш одат бўлиб қолган. Бу — масалага бир томонлама ёндашишдир. Илғор тажриба тўғрисидаги материаллар матбуотимиз таъсири ва ҳаракатчанлигининг муҳим кўрсаткичидир, бу материаллар тўғрисида партия комитетлари ва редакция коллективлари куч сайин ғамхўрлик қилишлари керак.

Аввало бундай материалларнинг конкретлигини, мазмундорлигини оширишни таъминлаб, уларнинг публицистик эҳтиросини кучайтириб, муваффақиятга эришиш мумкин. Новатор ва унинг усуллари тўғрисида материал эълон қилинганидан кейин илғорларнинг ютуғини такрорлаш, кўпайтириш иштиёқида бўлган кишилар сафи ортиб борган тақдирдагина матбуот органининг актив позицияси тўла-тўкис намоён бўлади. Ҳар бир нашр меҳнатдаги янгиликларни, энг яхши намуналарни жорий этишнинг жанговар ташкилотчиси бўлиб қолиши, бу ишда партия, касаба союз комитетларининг етакчилик ролини кўрсатиб бериши керак.

Кўпгина газеталар учун характерли бўлган нуқсон нималардан иборат? Қисқа қилиб айтганда, қатъий белгилаб олинган йўлнинг, изчиллик ва собитқадамликнинг йўқлигидан иборат. Айтайлик, «Тургайская новь» газетаси (Орқалик) ўз вақтида «Железнодорожний» совхозининг «Бугун — рекорд, эртага — ҳамманинг ютуғи» шиори остида ишлаётган сут соғувчилар тўғрисида қизиқарли мақола босиб чиқарган эди. Унда коллективнинг ажойиб муваффақиятлари уқтириб ўтилган эди. Аммо ибратли тажриба тўғрисидаги ҳикоя газетада ёрқин тарзда давом эттирилмади. Кўтариб чиқилган мавзуни ривожлантира билмаслик, амалий натижага эриша олмаслик бошқа нашрларга ҳам хос нуқсондир. Қимматли ташаббусларнинг жорий этилишига халақит берастган сабабларни пухта таҳлил этиш, очиб ташлаш ҳам матбуотнинг бурчидир.

Баъзан матбуотнинг шу мавзудаги чиқишлари технологияни тасвир этишдан, эҳтиросиз баён этишдангина иборат бўлиб қолмоқда. Бундай материалларда инсоннинг ўзи кўринмайди. Тажрибанинг моҳиятини, унинг иккр-чиккирларини чуқур ўрганиш зарурлиги шубҳасиз. Бироқ бошқаларда новатор намунасига эргашиш иштиёқини уйғотиш бундан ҳам муҳимдир. Бунинг учун эса илғор ва новаторнинг ҳаётий позициясини, қиёфасини ҳаққоний, жозибали кўрсатиб бериш зарур.

Партия комитетлари мақсадни, эътибор беришга ва кун сайин оммалаштиришга арзийдиган асосий мавзуни танлаб олишда редакция коллективларига ёрдам беришлари, матбуот материалларининг таъсирчанлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишлари лозим. Хўжалик раҳбарини матбуот материалларига сезгирлик ва масъулият билан қараш руҳида тарбиялаш, уларни шу материаллардан социалистик мусобақа самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг қўшимча резервларини қидириш учун фойдаланиш маҳоратига ўргатиш — партия комитетларининг бевосита бурчидир. Актуал мавзудаги материалларни партия комитетлари қўллаб-қувватлаши матбуотнинг обрў-эътиборини оширади, унинг район, область, республика иқтисодий ва маданий ривожланишига таъсирини кучайтиради. Илғор тажрибани, новаторлик методларини тасвирловчи материалларга эътиборсизлик ҳам — хўжасизликнинг ўзи эканлигини эсда тутиш керак.

Илғорларнинг тажрибаси — матбуотимизнинг эскирмайдиган катта мавзуидир. Тажрибани пропаганда қилиш, оммалаштириш — КПСС XXVI съезди қарорларини муваффақиятли бажаришга, СССР ташкил этилганлигининг ниятини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ курашига актив кўмаклашиш демакдир.

(«ПРАВДА»нинг 8 сентябрдаги бош мақоласи).

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

*** РЕСПУБЛИКА ТАЙЁРЛОВ ПУНКТЛАРИГА 7 СЕНТЯБРЬ КУНИ 54039 ТОННА ПАХТА ЕТКАЗИБ БЕРИЛДИ. МАВСУМ БОШИДАН БУЁН ТАЙЁРЛАНГАН ПАХТА 255 МИНГ 728 ТОННАНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. МАШИНАЛАР ЁРДАМИДА БИР КУНДА 1471 ТОННА, МАВСУМ БОШИДАН БУЁН ЭСА 4845 ТОННА ПАХТА ТЕРИЛИБ, ЭЛ ХИРМОНИГА ТОПШИРИЛДИ.**

* Сурхондарё области пахтакорлари ингичка толали пахта йиғим-терими суръатини тобора тезлаштирмоқдалар. Улар 10840 тонна ипак пахта тайёрладилар. Республика хирмонидаги ингичка толали пахта 13649 тоннага етди.

*** 976,7 минг гектар майдондаги ғўза дефолиация қилинди. Ўтган куни далаларда 600 самолёт ва 2513 ер усти аппаратлари ишлатилди.**

ЭЛ ХИРМОНИГА

Комсомол районидаги «Мирзачўл» совхозининг Мамасоли Эгамбердиев бошлиқ бригадасида машина терими бошланди. Бригадир ўз шогирди Рахмон Сангиров билан ўтган куни 3 тоннадан пахта терди. Сирдарё районидаги Охунбобоев номли колхоз хирмонига чевар теримчилар Д. Тошиева, Ж. Тоғаева, Ш. Тоймуродова, К. Расулова, К. Нектаева 200—250 килограммдан пахта тўкишмоқда.

ЙИЛЛИК ПЛАН БАЖАРИЛДИ

Нарпай районидаги «Иттифоқ» колхозининг Ҳасан Мардонов етакчилигидаги бригада Самарқанд областида иккинчи бўлиб йиллик планни бажаргани ҳақида рапорт берди. Давлатга 108 тонна пахта сотилди. Коллективнинг мажбурияти — 150 тоннадир.

Пахтачи районидаги Свердлов номли колхозда уруш ва меҳнат ветеранлари бригадаси тузилди. Унинг аъзолари ўрта ҳисобда 50—60 килограммдан пахта теришяпти.

МАШИНА ТЕРИМИ БОШЛАНДИ

Хонқа ва Ҳазорасп районларидаги хўжаликлар машинада пахта теришни бошладилар. Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхозда машиналардан унумли фойдаланилянти. Зулфия Исмоилова машина билан 7 тонна, Р. Отажонов, П. Нуруллаев, Б. Кулметовлар эса 6—6,5 тоннадан «оқ олтин» теришди.

ДЕФОЛИАЦИЯ ҚИЗҒИН

Наманган области хўжаликларида дефолиация ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Тўрт самолёт ва 400 ОВХ агрегати тўхтовсиз ишлатилянти. 7 сентябрда 1000 гектардан зиёд майдонга ишлов берилди. Қорақалпоғистон АССР колхоз ва совхозларида ҳам дефолиация қизғин. Шуманай, Хўжайли, Қораўзак районларидаги хўжаликлар муҳим бу агротехник тадбирни тўла якунладилар.

БЕШ ПРОЦЕНТГА ЕТКАЗИБ

Беруний районидаги Навоий номли колхознинг А. Алимов бошлиқ бригада аъзолари кунига йиллик планнинг беш процентга миқдорида пахта топширмоқда. Хўжайли районидаги «Коммунизм» колхозида ҳам теримчилар мусобақаси қизғин. Т. Есенова ва Т. Ешимбетова кунлик нормаларини 230—250 процент бажармоқдалар.

КУПМИНГ КИЛОГРАММЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Андижон областида мингга яқин кўпмнинг килограммчилар отряди бор. Ўтган куни Охунбобоев номли колхоз (Пахтаобод райони)дан С. Қодирова, «Октябрь» колхози (Москва райони)дан Р. Абдуллаева, «Правда Востока» колхози (Ленин райони)дан Т. Қосимоваларнинг ҳар бири 280—300 килограммдан дурдона терди. Чевар теримчилар мавсум давомида 10—15 тоннадан «оқ олтин» териб, эл хирмонига топширишмоқчи.

ТЕХНИКАГА ТАЯНИБ

Сурхондарё области далаларида ўтган куни 457 та пахта териш машинаси ишлатилди. Ҳар бир машинанинг ўртача кунлик иш унуми 3,1 тоннани ташкил этди. Ленин йўли районида 297 та машина хирмонга барака киритяпти.

ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

Шаҳрисабз районидаги Ленин номли колхознинг «Шаҳрисабз» қўриқ массивида «оқ олтин»ни етиштираётган Т. Қўчқоров бошчилигидаги комсомол-ёшлар бригадаси дастлабки йилдаёқ катта зафар қучди. Бригада тўрт кунда йиллик планни бажарди. Гектар бошига 12 центнердан ҳосил олинди. СССР 60 йиллиги шарафига ҳосилдорлик 30 центнерга етказилади.

МОСКВАДА, СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ ВИСТАВКАСИДА

ЎЗБЕКИСТОН КУНЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

ЯГОНА ОИЛАДА ДЎСТЛАР МУЛОҚОТИ

СССР 60

МОСКВА, 8 сентябрь. СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Ўзбекистон кунларининг ҳар бири қардошлик учрашувлари ҳарорати ва самимияти билан тўлиб тошмоқда. Совет давлатининг 60 йиллик юбилейига бағишланган жозибадор байрам воқеалари оммавий ахборот воситаларининг диққат марказида турибди.

Москва газеталари республикамиз партия ходимларининг, таниқли фан ва маданият арбобларининг, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг сўзларини босиб чиқармоқдалар, Ўзбекистоннинг совет халқлари аҳил оиласидаги муваффақиятлари тўғрисида ҳикоя қилмоқдалар. Бугунги кун ҳам воқеаларга бой бўлди: серқуёш ўлка намояндалари Москванинг Жданов ва Люблин районлари меҳнаткашлари билан айниқса мустаҳкам дўстлик алоқаларини боғлаган.

Пойтахт меҳмонлари ждановликларнинг СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақадаги ютуқлари билан завқланиб танишдилар. Улар шу йилнинг саккиз ойи мобайнида пландан ташқари йигирма миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот бердилар. КПСС Жданов район комитетидаги учрашувда шу ҳақда гапирилди. Бу ерда ишлаб чиқарилган соатлар, машинасозлик саноати учун керакли деталлар, бошқа маҳсулотлар Ўзбекистонга ҳам юборилмоқда.

Республика вакиллари райондагина эмас, мамлакатда ҳам илғор корхоналардан бири — биринчи давлат подшипник заводига бордилар. Бу ерда эллик миллат фарзандлари меҳнат қилмоқдалар, улар орасида ўзбеклар ҳам бор.

... Созловчи Усмон Жўраев салкам бир йилдан бери заводда ишлаб турибди. Бу ерга у Андижон областидан касб ўрганиш учун юборилган икки юз йигит қаторида келган эди. Бу касб тез орада унинг жонажон юрти Охунбобоев шаҳрида ҳам жуда асқотади: чунки у ерда подшипник заводи қуриш белгиланган. Тез орада Усмон уйига малакали мутахассис бўлиб қайтади. Ҳозирча у янги техникани — мураккаб ярим автоматларни ўзлаштирмоқда. Завод машинасозлик техникумининг кечки бўлимига киришга ҳозирлик кўрмоқда.

(Давоми иккинчи бетда).

М. И. КАЛИНИН МУЗЕЙИДА

МОСКВА, 8 сентябрь. (ЎзТАГ махсус мухбири). СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги Ўзбекистон кунларининг қатнашчилари бугун М. И. Калинин Давлат музейида бўлдилар. Улар Ленининг содиқ сафдоши ҳаёти ва фаолиятини тасвирловчи экспозиция билан қизиқиб танишдилар.

Ўзбекистон вакиллари музейнинг ҳурматли меҳмонлари китобига ўз таассуротларини ёзиб қолдирдилар.

СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида. Ўзбекистон павильонида фарғоналик 86 ёшли А. Алигавҳаров ўзи етиштирган қовунларни меҳмонларга намойиш қилмоқда.

Б. Юсупов ва Ф. Қурбонбоев фотоси. (ЎзТАГ).

СССР ГОСПЛАНИДА КЕЧА

МОСКВА, 8 сентябрь. (ЎзТАГ махсус мухбири). Ўзбекистон вакиллари — мамлакат бош виставкасида ўтказилаётган республика кунларининг қатнашчилари СССР Госплани ходимлари билан учрашдилар. Кечада Ўзбекистон ССР Госплани раисининг ўринбосари Ш. Р. Мирсаидов, шоира Э. Охунова, бошқалар КПСС XXVI съезди тарихий режаларини амалга оширишда ўлкамиз меҳнаткашлари эришган муваффақиятлар тўғрисида, улар мамлакатнинг шонли юбилейи — СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига қандай ҳозирлик кўраётганликлари тўғрисида гапирдилар. Республика олтмиш йил мобайнида қардош совет халқларининг аҳил оиласида экономика, фан ва маданиятни ривожлантириш соҳасида мислсиз чўққиларга эришганлиги таъкидлаб ўтилди. Учрашувда СССР Госплани раисининг биринчи ўринбосари Я. П. Рябов сўзга чиқди.

Иғриليش аҳли Ўзбекистон санъат устаси қўйиб берган катта концертни зўр қизиқиш билан томоша қилдилар.

УНУТИЛМАС УЧРАШУВЛАР

Республика меҳнат коллективларининг бошқа вакиллари сингари мен ҳам СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланиб мамлакатимизнинг асосий виставкасида ўтаётган Ўзбекистон кунларида иштирок этиш юксак шарафига сазовор бўлдим.

Ҳар бир кишининг ҳаётида шундай дақиқалар бўладики, бу дақиқаларни у бутун умри давомида ўз қалбида сақлаб қолади. Менинг учун, жонажон мамлакатимиз юбилейи шарафига ўтказилаётган ажойиб байрамда иштирок қилаётган Ўзбекистон ССР делегациясининг барча аъзолари учун ҳам Владимир Ильич Ленин мавзолейида, Ленининг Кремлдаги кабинети ва квартирасида ҳамда В. И. Ленин Марказий музейида ўтказган дақиқалар айниқса унутилмас бўлиб қолади. Ҳаммамиз — бу ерда илгари бўлган кишилар ҳам, бу муқаддас жойларга биринчи маротаба келган кишилар ҳам совет халқининг бебаҳо ёдгорлик жойларини

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

7 сентябрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов раслигида СССР Олий Совети Президиумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Президиум халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш борасида халқ депутатлари Советларининг вазифаларини муҳокама этиб, шу ҳақда қарор қабул қилди. Қарорда КПСС XXVI съезднинг йўл-йўриқларига асосланиб, Советлар барча бўғинларининг, уларнинг ижроия органлари ва фармойиш берувчи органларининг, доимий комиссияларининг ҳамда депутатларнинг шу соҳадаги иш йўналишлари белгиланган.

Халқ депутатлари Советларига ўзларига бўйсунувчи корхоналарда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ўстириш ва уларнинг сифатини яхшилашни таъминлаш юзасидан амалий тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш, ўз территорияларида жойлашган ва юқори идораларга бўйсунган бирлашмалар, корхоналар ҳамда ташкилотларнинг аҳоли учун моллар ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва контроллик қилиш борасида қонун бериб қўйган ваколатларни актив қўлланиш таклиф этилди. Ҳаридоргир моллар ишлаб чиқариш масалаларини халқ депутатлари Советларининг сессияларида, Советлар ижроия комитетлари ва доимий комиссияларнинг мажлисларида мунтазам равишда кўриб чиқиш, план топшириқлари ва социалистик мажбуриятлар бажарилиши устидан контроллиққа эўр эътибор бериш, хўжалик раҳбарларига талабчанликни ошириш, ушбу масалалар юзасидан Советларнинг қарорлари ва сайловчиларнинг наказлари қандай бажарилаётганлиги тўғрисида аҳолини мунтазам суратда хабардор қилиб туриш зарурлиги уқтириб ўтилди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш билан боғлиқ корхоналарнинг меҳнат колективларидаги депутатлик группалари ва депутатлик постларининг, халқ депутатларининг ишларини янада активлаштириш вазифаси таъкидланди. Иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советларининг Президиумларига халқ депутатлари маҳаллий Советларининг аҳоли учун моллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эътиборини кучайтириш тавсия этилди.

Сўнгра СССР Олий Совети Президиуми Туркманистон ССР халқ депутатлари Советларининг КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорлари асосида уй-жой қурилишини ва қишлоқ аҳолисига коммунал-маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш борасидаги иши тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Туркманистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси Б. Эҳқулиев билан СССР Олий Совети Миллатлар Совети уй-жой-коммунал хўжалиги ва маиший хизмат комиссияси раиси В. В. Никитининг ахборотларида Туркманистон ССР халқ депутатлари Советларининг қишлоқни социал ривожлантириш қишлоқ аҳолисининг уй-жой, коммунал-маиший шароитлари ва бошқа турмуш шароитларини яхшилаш соҳасидаги иши анализ қилиб берилди.

Тўққизинчи ва ўнинчи беш йилликлар мобайнида республиканинг қишлоқ жойларида жами саҳни 5 миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жой binolari барпо этилганлиги қайд этиб ўтилди. 1090 километрдан кўпроқ водопровод, канализация, иссиқлик ва газ шохобчалари фойдаланишга топширилди, квартираларнинг 86 проценти газлаштирилди. Йўллар қурилишига, қишлоқ аҳоли пунктларини обод-донлаштириш ва кўкламзорлаштиришга ажратилаётган маҳаллий бюджетларнинг маблағларидан актив фойдаланилмоқда. Шу билан бирга ишдаги мавжуд камчиликлар ва уларни бартараф этиш йўллари тўғрисида гапирилди.

Мажлисда сўзга чиққан Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. Ф. Ватченко кўриб чиқилаётган масаланинг муҳимлигини қайд этиб, Украина ССР Советларининг қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуриш, қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш борасидаги иш тажрибаси тўғрисида сўзлаб берди, аҳолининг талаб-эҳтиёжларини қондириш, кооператив қурилишини ривожлантириш, шаҳарнинг қишлоққа оталиқ ёрдамини такомиллаштириш юзасидан ваколатли органларнинг фаолиятини янада активлаштиришга, Советлар доимий комиссияларининг, депутатлик группалари ва постларининг иш самарадорлигини кучайтиришга қаратилган бир қанча таклифларни айтди.

СССР Олий Совети Президиумининг қарорида Туркманистон ССР Олий Совети Президиуми билан Министрлар Советига КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми йўл-йўриқларига мувофиқ қишлоқда уй-жой, водопровод, канализация, иссиқлик шохобчалари ва бошқа объектлар қурилишини янада кўпайтириш юзасидан зарур чораларни кўриш, уй-жой binolarini, коммунал хўжалик объектларини асраш ва улардан тўғри фойдаланиш, уларни ўз вақтида капитал ремонт қилиш масалаларига кўпроқ эътибор бериш топширилди. Қишлоқ аҳолисига коммунал-маиший хизматни кенгайтириш ва яхшилашда, бу ишдаги мавжуд жиддий нуқсонларни бартараф этишда халқ депутатлари маҳаллий Советлари билан уларнинг ижроия комитетлари ролини ошириш тавсия этилди. Улар ишлаб турган корхоналарнинг қувватларидан тўлароқ фойдаланишни, айниқса олис аҳоли пунктларида ва олис яйловларда қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатишнинг янги турлари ва формаларини активроқ жорий этишни таъминлашлари, маиший хизмат корхоналари иши устидан, хизматларнинг бажарилиши сифати устидан контроллиқни кучайтиришлари, бу ишга халқ депутатларини, жамоат ташкилотларининг органлари ва активларини кенгроқ жалб этишлари керак.

Президиум мамлакатнинг озиқ-овқат ресурсларини тўлдириш учун ички сув ҳавзаларида балиқ запасларини муҳофаза қилиш ва уларни урчитиб кўпайтириш ҳамда балиқ етиштиришни кўпайтириш тўғрисидаги қонун талаблари қандай амалга оширилаётганлиги тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқди.

СССР балиқ хўжалиги министри В. М. Каменцевнинг докладида ва СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети табиатни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш комиссиясининг депутат Л. А. Бородин қилган қўшимча докладида КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорларига мувофиқ министрлик, маҳаллий Совет органлари ички сув ҳавзаларида балиқ запасларини муҳофаза қилиш, уларни урчитиб кўпайтиришни яхшилаш ҳамда шу соҳадаги қонун талабларини бажаришни таъминлаш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш борасидаги ишлари тўғрисида гапирилди.

Мажлисда қайд этиб ўтилганидек, кўпгина министрликлар ва идоралар балиқ хўжаликлари иш олиб бораётган сув ҳавзаларини булғаришдан муҳофаза қилиш юзасидан қонунда белгиланган қоидалар бажарилишига доир зарур тадбирларни амалга оширмаяптилар, сув ҳавзаларини муҳофаза қилиш тадбирларига ажратилаётган капитал маблағлар тўла ўзлаштирилишига эришмаяптилар, тозалаш иншоотларини қуриш планларини бажармаяптилар. СССР Балиқ хўжалиги министрлиги, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, халқ депутатлари маҳаллий Советлари балиқ запасларини муҳофаза қилиш ва уларни урчитиб кўпайтириш тўғрисидаги қонунга риоя этилиши устидан ўз зиммаларига юклатилган давлат назоратини амалга ошириш борасидаги ваколатларидан тўла даражада фойдаланмаяптилар. Совет қонунлари бузилишининг пайини қирқишда ҳамма ҳам етарлича сабот-матонат кўрсатмаяптилар.

Эстония ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Г. Кэбин балиқ хўжалигини ривожлантиришнинг, ички сув ҳавзаларини мамлакат озиқ-овқат ресурсларини тўлдиришда ишончли манбага айлантиришнинг катта имкониятларига эътиборни жалб қилди.

Президиум қабул қилган қарорда халқ депутатлари Советлари ва шунга ваколатли бошқа давлат органлари балиқ запасларини муҳофаза қилиш ҳамда уларни урчитиб кўпайтириш тўғрисидаги қонун талабларига риоя этилиши устидан контролни кучайтиришлари зарур деб ҳисоблади. СССР Балиқ хўжалиги министрлигига, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига КПСС XXVI съезднинг, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленумининг қарорларига амал қилиб, мамлакатнинг ички сув ҳавзаларида балиқ етиштириш суръатларини изчил ошириб бориши таъминлаш, балиқ запасларини муҳофаза қилиш борасида белгиланган қоидаларга риоя этилиши устидан қатъий назорат қилиб туришни амалга ошириш тавсия этилди. Халқ депутатлари Советларига товар балиқ етиштиришни кўпайтириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш учун колхозлар, совхозлар, балиқчилик хўжаликлари ички сув ҳавзаларининг имкониятларидан янада тўлароқ фойдаланишга қаратилган ишларни активлаштириш, илғор балиқ хўжалиги корхоналари, колхозлар ва совхозлар, саноат, қишлоқ хўжалик корхоналари ва бошқа корхоналар ҳузуридаги ёрдамчи балиқ хўжаликларининг иш тажрибаларини кенгроқ ёйиш; корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар балиқ запасларини муҳофаза қилиш ва уларни урчитиб кўпайтириш тўғрисидаги қонунларни қандай бажараётганликларини мунтазам равишда текшириб туришни таъминлаш, совет қонунларини бузувчиларни жавобгарликка тортиш зарурлиги кўрсатилди.

СССР Химия саноати министрлиги, СССР Минерал ўғит ишлаб чиқариш министрлиги, СССР Қора металлургия министрлиги, СССР Рангли металлургия министрлиги, СССР Ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғочсозлик саноати министрлиги, шунингдек СССР Ички ишлар министрлиги ва СССР Прокуратурасига тегишли тавсиялар берилди.

Сўнгра Президиум Ўзбекистон ССР халқ депутатлари Советларининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тўғрисидаги ва кўп болали оналарни мукофотлаш ҳақидаги қонун талаблари бажарилишини таъминлаш борасидаги ишига оид масалани муҳокама қилди. Бу масала юзасидан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Б. Усмонхўжаев, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе, СССР Олий Совети депутати З. Д. Кулбекова сўзга чиқдилар. Республика халқ депутатлари Советлари хотин-қизларни ижтимоий ишлаб чиқаришга тобора кенгроқ жалб этиш, уларни сиёсий, иқтисодий, социал ва маданий ҳаётда актив иштирок қилиши билан боғлиқ хилмахил ишларни амалга ошираётганликлари уқтириб ўтилди. Республикада болалар боғчалари, ясилари, мактаб-интернатларнинг тармоқларини кенгайтириш, медицина ва соғломлаштириш муассасаларини қуриш, шу мақсадлар учун корхоналар, колхозлар, совхозларнинг маблағлари ва маҳаллий ресурслардан фойдаланиш тадбирлари амалга оширилмоқда. Қонунга мувофиқ кўп болали оналар мукофотланмоқда. Шу билан бирга Ўзбекистон ССРдаги баъзи халқ депутатлари Советлари оналик ва болаликни муҳофаза қилишни яхшилаш масалаларини ҳал этиш лозим бўлган ташкилотлар ва муассасаларнинг ишини қўпгилдагидек йўналтириб турмаётганликларига, шу соҳадаги қонунларга риоя этилиши устидан контрол қилиш юзасидан ўзларига бериб қўйилган ваколатлан тўла даражада фойдаланмаётганларига эътибор жалб қилинди.

Қабул қилинган қарорда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумига, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиумига, республика халқ депутатлари маҳаллий Советларига оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, кўп болали оналарни маънавий рағбатлантириш борасидаги ишларни янада такомиллаштиришга, шу масалалар юзасидан корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар фаолияти устидан контроллиқни кучайтиришга қаратилган қўшимча чораларни кўриш; мактабгача тарбия болалар муассасалари, туғуруқхоналар, болалар касалхоналари ва поликлиникалари тармоқларини кенгайтириш ва ишини яхшилаш, уларни тегишли мутахассис кадрлар билан таъминлаш, болалар озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун республикада мавжуд имкониятлардан фойдаланишга кўпроқ эътибор бериш; хотин-қизлар меҳнати ва соғлигини муҳофаза қилиш, кўп болали оилаларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилаш, уларга белгиланган имтиёз ва афзалликлар бериш тўғрисидаги қонунга сўзсиз риоя этилиши тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиш тавсия этилди.

СССР Олий Совети Президиуми Ливандаги Исроил агрессияси муносабати билан Совет Иттифоқининг принципиал позициясини баён қилиш мақсадида 1982 йилнинг августида Жазоир, Иордания, Яман Халқ Демократик республикаси, Марокаш, Сурия ва Тунисга бориб-келган СССР Олий Совети делегациялари визити натижаларини кўриб чиқди ва маъқуллади.

СССР Олий Совети Президиуми Секретари М. П. Георгадзенинг ахборотига кўра, СССР орденлари, медаллари ва фахрий унвонлари тўғрисидаги умумий низомга мувофиқ мукофот ҳужжатларининг намуналарига зарур ўзгартишлар киритилди.

Мажлисда давлат ҳаётининг бошқа баъзи масалалари кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари В. В. Гришин, Г. В. Романов, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари И. Е. Поляков, С. Н. Имашев, П. Г. Гилашвили, К. А. Халилов, В. Е. Саркисов, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Р. М. Мусин, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов, СССРнинг бир қанча министрликлари, давлат комитетлари ва идораларининг раҳбарлари қатнашдилар.

(ТАСС).

Молдавия ССР ҳафталиги

РАҚАМЛАР КЎЗГУСИДА

«Правда» газетаси 1924 йилнинг апрелида Бутун Молдавия Советларининг I съезди иши тўғрисида ҳикоя қила туриб, шундай сатрларни ёзади:

«Мошчкят қишлоғининг делегацияси съездга ўзининг тракторида келди».

Бугунги кунда республика қишлоқ меҳнаткашлари ихтиёрида 50 мингдан ортиқ трактор, 4 мингга яқин галла ўрувчи комбайн, тахминан 27 мингга яқин юк автомобиллари бор.

●

1927 йилнинг апрелида «Правда» газетаси ТАСС хабарини эълон қилади: «Туручук оролида тўғон қурилиш ишлари якунланди... Деҳқонлар оммавий сурватда мелиорация ишларини бошлаб юбордилар».

Молдавия республикасида бугунги кунда 220 минг гектардан знёд экинзор, боғ ва полизлар суғорилмоқда. Етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 9 проценти суғориладиган майдонлардан олинади.

●

Молдавиянинг саккиз олий ўқув юртида 53 мингга яқин студент ўқимоқда. Ҳар йили уларни 8 мингдан знёд студент битириб чиқади.

●

«Молдавияга ўз алифбеси, яхши ўқитувчилар, мактаблар керак». «Правда» газетаси 1924 йилнинг ноябрида ана шундай деб ёзган эди.

Ҳозир нхтисослаштирилган «Лумина» («Шуъла») нашриёти ҳар йили молдован тилида ўнлаб ўқув қўлланмалари нашр этади. Ўқув қўлланмаларининг умумий тиражи 3 миллион нусхадан ошиб кетади.

2 мингга яқин умумтаълим мактабларида 725 мингга яқин бола ўқимоқда.

●

Молдавия ССР Фанлар академиясининг 17 муассасасида йирик назарий ва илмий-техник проблемалар бўйича 1100 илмий ходим тадқиқот олиб бормоқда.

Республиканинг илмий даргоҳларида 80 фан доктори ва 630 фан кандидати бор.

СУРАТДА: Кагульскдаги қорамол боқувчи комплексининг кўриниши. Кейинги ўн йил ичида республикада 200 дан знёд ана шундай йирик чорвачилик комплекслари қад кўтарди.

ЯГОНА ОИЛАДА

ДЎСТЛАР МУЛОҚОТИ

(Бошқ биринчи бетда).

Мамлакатнинг энг асосий виставкасидаги республика кунлари қатнашчилари корхонада меҳнат ва дам олиш қандай ташкил этилганлиги билан танишдилар, завод цехларида, маданият ва техника саройида бўлдилар. Ҳамма жойда улар табрик транспарантлари, самимий табассум ва эзгу сўзлар билан кутиб олиндилар. Республикамиз артистларининг бу ердаги концертини томошабинлар гулдурос қарсаклар билан қарши олдилар.

КПСС Люблин район комитетидаги учрашувда Люблин районы билан Ўзбекистон меҳнаткашларининг кенг миқёсдаги алоқалари тўғрисида гапирилди. Ленин комсомоли номидаги автомобиль заводи мамлакатнинг турли жойларига, шу жумладан Ўзбекистонга ҳам автомобиллар ва уларнинг деталларини, Люблин қувва-механика заводи темир йўл транспорти учун запас қисмлар ва қишлоқ хўжалик машиналарининг деталларини, «Минудобрения» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг тажриба заводи минерал ўғитларни юбориб турибди.

Бутуниттифоқ ўсимликларни ҳимоя қилиш химиявий воситалари илмий-тадқиқот институти ҳам шу ерда жойлашган. Ҳозир Навоий шаҳрида шу институтнинг таклифига биноан гўзани зараркунанда ҳашаротлардан ҳимоя қилувчи янги препарат — изофенни саноат тарзида ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. Шу моддaнинг бир тоннаси ишлатилиши эллик тонна пахта ҳосилини қўшимча равишда етиштириш имконини беради.

Ўзбекистонлик меҳмонлар машҳур «Москвич» машиналари ясалаётган заводга бордилар. Бу ерда ҳам уларни кутиб олувчилар орасида юртдошларимиз бор эди. Наманган области практикантларининг навбатдаги группаси бир неча кун муқаддам бу ерга келган эди. Ленин комсомоли номидаги автомобиль заводида кўп йиллардан бери ишлаётган ўзбеклар ҳам бор. Улардан бири — завод ветерани, шу ерда ўттиз йил ишлаган асбобсозлик цехининг пардозловчиси, коммунистик меҳнат зарбдори Эргаш Маҳмудов эди. Асли Самарқанддан бўлган бу киши Совет Армияси сафида хизмат қилиб бўлганидан кейин корхонага ишга кирган эди. Ҳозир Маҳмудов — энг юксак малакали мутахассисдир. Корхонадагилар унинг ҳаваскор артист эканлигини ҳам биладилар. У духовой оркестрда карнай чалади.

Меҳмонлар завод музейини кўздан кечирдилар, цехларда, заводнинг яхмалакли саройида, спорт саройида ва маданият саройида бўлдилар. Республика вакиллари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини нишонланиши шарафига пландан ташқари мингта «Москвич» ишлаб чиқаришга қарор берган автомобилсозларнинг ютуқлари билан танишдилар.

Ўзбек артистлари завод ишчиларини ўз санъатлари билан хушнуд этдилар.

СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида Ўзбекистон кунлари давом этмоқда. Ҳали янгидан-янги мулоқотлар, учрашувлар ва суҳбатлар бўлади.

О. ОСИПОВ,
ЎзТАГ махсус мухбири.

Жонажон ўлкамиздан фахрланиб

СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида ўтказилаётган Ўзбекистон кунлари ҳаммамиз — республика вакиллари билан москвалик дўстларимиз учун ажойиб байрам бўлиб қолди. Бу — Советлар мамлакати халқларининг Владимир Ильич Ленин васият қилган улуғ дўстлиги байрамидир. Бугунги кунда Ўзбекистон мамлакатнинг бош кўргазмасида ўзининг муваффақиятлари тўғрисида, биз СССР таркибидаги ягона оила сифатида, ўзининг ҳаётий ютуқлари тўғрисида, ана шу шонли юбилей арафасида азиз москваликлар билан пойтахт меҳмонларига сўзлаб бериш айниқса ёқимлидир. Социалистик мусобақа тўғрисидаги шартномалар билан боғланган Тошкент ва Москва меҳнаткашлари, Чирчиқ ва Кемерово химиклари, Ангрен ва Донбасс кончилари, Навоий ва Қарағанда энергетиклари ана шу юбилейга бахамжиҳат бўлиб тайёргарлик кўрмоқдалар. Биз — Ўзбекистон билан Россия Федерацияси партиянинг доно раҳбарлигида, барча қардош республикаларнинг ёрдамида эришди.

Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасидаги кунларнинг бошқа қатнашчилари каби менга ҳам бизнинг ишларимиз ва юмушларимиз тўғрисида ана шу шонли юбилей арафасида азиз москваликлар билан пойтахт меҳмонларига сўзлаб бериш айниқса ёқимлидир. Социалистик мусобақа тўғрисидаги шартномалар билан боғланган Тошкент ва Москва меҳнаткашлари, Чирчиқ ва Кемерово химиклари, Ангрен ва Донбасс кончилари, Навоий ва Қарағанда энергетиклари ана шу юбилейга бахамжиҳат бўлиб тайёргарлик кўрмоқдалар. Биз — Ўзбекистон билан Россия Федерацияси тўқимачилари ўртасида ҳам анъанавий ўзаро дўстона муносабатлар таркиб топди. Биз «оқ олтин»нинг ҳар бир граммидан тежаб-тергаб фойдаланишга, мумкин қадар кўпроқ, кўркам, сифатли газламалар ва бошқа материаллар ишлаб чиқаришга биргаликда интилмоқдамиз.

Москвадаги учрашувлар бизнинг ҳаммамизга янги кучғайрат бағишламоқда, севимли Ватанимизнинг равнақи йўлида яна ҳам кўпроқ зафарларга илҳомлантирмоқда.

Н. И. ЯНКОВСКАЯ,
Намангандаги «Пятилетка» нстўқима материаллар фабрикасининг тандачиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети нинг депутати.



СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги олдидан

СССР 60

СОВЕТЛАР—УМУМХАЛҚ ДАВЛАТИНИНГ СИЁСИЙ НЕГИЗИ

Бундан салкам олтмиш беш йил муқаддам Россиянинг қаҳрамон пролетарияти Владимир Ильич бошчилигидаги большевиклар партияси раҳбарлигида буржуа-помещик тузумини тор-мор келтирди. Меҳнаткашларнинг эксплуатацияга, социал ва миллий зулмга қарши олиб борган кураши тарихда биринчи марта уларнинг тўла ғалабаси билан тугалланди.

Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида янги жамият барпо қилди. Бу жамият кризислар бўлмайдиган, экономикаси муттасил ўсиб борадиган, етук социалистик муносабатларга, чинакам эркинликка эга бўлган жамиятдир.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси меҳнаткашларни жабр-зулмдан батамом озод қилди, бутун ҳокимиятни ишчилар синфи бошчилигида халқ ўз қўлига олди, шу билан инсоният тарихида янги давр — меҳнат, озодлик ва халқ ҳокимияти даври бошланди. Халқ ўз ҳокимиятини — совет социалистик давлатини вужудга келтирди. Советлар ҳокимиятнинг янги формаси сифатида қарор топди ва ривожланди. СССР Конституциясининг 2-моддасида «СССРда бутун ҳокимият халқникидир. Халқ давлат ҳокимиятини СССРнинг сиёсий негизини ташкил этган халқ депутатлари Советлари орқали амалга оширади...» деб ёзиб қўйилган.

Совет социалистик давлати ўзи босиб ўтган тарихий давр ичида чинакам халқ давлати ва омманинг иродасини ифода қилувчи орган эканлигини бутун дунёга намойиш қилди ва қилмоқда. Совет давлати ташкил топган кундан буён Советлар халқ ҳокимияти органлари сифатида мамлакатимизда ривожланган социализм ғалабасини таъминлаб, коммунистик жамият барпо этишнинг асосий қуроли бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиздаги халқ ҳокимияти, аввало, давлат ва жамоат ташкилотларининг хусусиятларини бирга қўшиб олиб борувчи халқ вакиллиги органлари бўлмиш Советларда ўз ифодасини топмоқда, Пролетариат диктатураси формаси сифатида вужудга келган Совет давлати социализмнинг ғалабаси туфайли эндиликда ишчилар синфи раҳбарлигидаги бутун халқнинг сиёсий ташкилотига айланди.

Умумхалқ давлати социалистик давлатчиликнинг коммунистик ўз-ўзини бошқариш сари ривожланишидир. Социалистик давлатни ва социалистик демократияни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш ижтимоий ўз-ўзини бошқаришга ўтишнинг бирдан-бир йўлидир. Бу эса халқ депутатлари Советлари ролининг янада ошио, улар фаолиятида социалистик демократиянинг кенгайиб бораётганлигида, ишлаб чиқариш, социал ва маънавий ҳаётга доир масалаларни ҳал этишда меҳнаткашлар ва оммавий жамоат ташкилотлари иштирокининг активлашиб бораётганлигида ўз ифодасини топмоқда.

Советларга давлат ва жамоатчилик асослари бирлашиб, уйғунлашиб кетгандир. Эндиликда Советлар формаси жиҳатидан ҳам, моҳияти жиҳатидан ҳам бутун совет жамияти ҳоҳишини ифодаловчи халқ депутатлари Советларига айланди. Бу тарихий ютуқ СССР янги Конституциясида ўз ҳуқуқий ифодасини топди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездида қилган докладида «СССР Конституциясининг, сўнгра иттифоқдош ва автоном республикалар конституцияларининг қабул қилиниши билан халқ депутатлари Советларининг ишида янги босқич бошланди» деб таъкидлади.

Дарҳақиқат, халқ депутатлари Советларининг компетенциялари кенгайди. Эндиликда, улар ўз территорияларида иқтисодий ва социал ривожланиш планлари тузишда бевосита қатнашадилар. Иқтисодий ва социал ривожланиш перспектив, ҳорий планларини тасдиқлайди, бу планларни амалга оширишни ташкил этади ва контроль қилиб боради, уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлайди.

Советлар ўз моҳиятига кўра турли миллатлар меҳнаткашларининг қардошларча бирлиги ролини амалга оширувчи чуқур интернационал давлат ташкилотидир. Чиндан ҳам Советлар — совет халқи умумий манфаатларини катта ва кичик миллатлар ва халқларнинг миллий, ўзига хос хусусиятлари билан қўшиб олиб борадиган энг яхши давлат формаси бўлиб келди.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, ривожланган социализм шароитида барча синфлар ва социал табақаларнинг яқинлашуви, барча миллатлар ва элатларнинг юридик ва ҳақиқий тенглиги, уларнинг қардошларча ҳамкорлиги асосида кишиларнинг янги тарихий бирлиги— совет халқи вужудга келди.

В. И. Ленин томонидан ишлаб чиқилган миллий сиёсат Коммунистик партия ва Совет ҳокимиятининг мамлакатимизда миллий муносабатлар соҳасидаги фаолияти мазмунини ва уни амалга ошириш йўлини белгилаб берди. Миллий республикалар тенг ҳуқуқли социалистик суверен давлатлар сифатида ихтиёрий равишда ягона иттифоқ давлати бўлиб бирлашди. Ҳозирги вақтда СССРда 53 дан ортиқ миллат ва халқ ўз давлат ва давлатчилик қурилишларига эга. Мамлакатимизда 15 иттифоқчи, 20 автоном республика, 8 автоном область ва 10 автоном округ бор.

Совет давлат тузуми миллатларнинг чинакам тенг ҳуқуқлилиги ва дўстлигининг ҳақиқий намунасидир. Ленинча миллий сиёсатнинг

ЖУРНАЛИСТЛАР БИРДАМЛИГИ КУНИ

Газета ва журналлар, телевидение ва радио, бошқа оммавий ахборот воситаларининг ходимлари, Ўзбекистон пойтахти жамоатчилигининг вакиллари журналистлар халқаро бирдамлиги кунини нишонламоқ учун 8 сентябрда Кино уйига келдилар. Инглиз аҳли республика журналистлари КПСС XXVI съезди қарорларини амалга оширишга, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш учун курашга қўшадиган ҳиссаларини кўпайтиришга тайёр эканликларини билдирдилар.

Шу куни Тошкентдаги Юлиус Фучик музейида митинг бўлиб ўтди. Чехословакиянинг миллий қаҳрамони бюсти пойига гуллар қўйилди. Унинг номи инсонпарварлик идеалларига садоқат билан хизмат қилиш, одамларнинг бахт-саодати учун астойдил курашиш рамзи бўлиб қолди. (ЎзТАГ).

ИШЧИ КАСБЛАРИНИ ЎРГАТИШ ЙЎЛИДАН

«Қишлоқ мактабини битириб чиқувчиларга ишчи касбларини ўргатайлик» мавзуига бағишланган биринчи республика илмий-амалий конференцияси 8 сентябрь куни Андижонда ўз ишини тугаллади. Унда қишлоқ мактаб ўқувчиларини касбга йўллаш масалалари кўриб чиқилди. Конференцияда олимлар, ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими мастерлари, меҳнат коллективларининг, министрликлар ва идораларнинг, халқ депутатлари область Советларининг вакиллари иштирок этдилар. Улар мактаб ўқувчиларига меҳнат таълими бериш сифатини ошириш йўлларини муҳокама қилдилар, тўпланган тажрибани ўртоқлашдилар. Андижон области мактабларида таълим-тарбия иши қандай йўлга қўйилганлиги билан танишдилар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика юстиция органларида кўп ишлар самарали ишлаганлиги, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш соҳасидаги хизматлари учун ва туғилган кунига олтмиш йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий судининг аъзоси Юрий Ярославович Бурешни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

АФҒОНИСТОНЛИК МЕҲМОНЛАР

Афғонистон Демократик Республикаси ҳарбий хизматчиларидан бир группаси Тошкентга келди. Улар Совет Ўрта Осиёси республикаларининг ҳаёти билан танишадилар.

Афғон жангчилари Парадлар хиёбонидаги В. И. Ленин ҳайкали пойига ва Номаълум солдат қабрига гуллар қўйдилар. Меҳмонлар Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи музейини бориб кўрдилар. Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар. (ЎзТАГ).

ПОЛИГРАФЧИЛАР СЕМИНАРИ

Икки кун мобайнида Тошкентда полиграфчиларнинг Бутуниттифоқ семинари ўтказилди. Семинар қатнашчилари — қардош республикалар Госкомиздатларининг вакиллари КПСС XXVI съезди қарорлари асосида СССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети полиграфия корхоналарининг хўжалик фаолиятини планлаштириш ва унга баҳо беришни такомиллаштириш йўлларини муҳокама қилдилар. (ЎзТАГ).

Озиқ-овқат программасини бажариш — умумхалқ иши

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

ГАГАРИН ОЛМАЛАРИ

Калинин районидаги Гагарин номли боғдорчилик ва узумчилик совхози ўзининг ширин-шакар ноз-неъматлари билан машҳур. СССР Озиқ-овқат программасининг бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун нурашаётган совхоз боғбон ва соҳибкорлари бу йил эл дастурхонига 2,5 минг тонна узум, планда кўзда тутилганидан анча кўп мева етказиб бериш учун курашмоқдалар.

Шу кунларда совхоз боғларида ва токзорларида иш қизғин. Ҳамма етиштирилган ҳосилни тезлик билан йиғиштириб олиш иштиёқида фидокорона меҳнат қилмоқда. Соҳибкорлар ишда сифатга алоҳида эътибор беришаётир. Узумлар ва мевалар саралаб теріляпти. Ҳосилнинг сарҳиллари шаҳарликлар дастурхонига, уринганлари эа стандартга тўғри келмаётганлари совхоз ҳузуридаги вино заводига юборилаётир.

— Бригадамиз соҳибкорлари ишни республикамиз илғор бригада бошлиқларининг «Бутун ҳосилни йиғайлик, асрайлик ва қайта ишлайлик!» шиори остида ташкил этишган. Натижада хирмонимиз юксак бўляпти. 32 гектар майдондаги олмазорнинг ҳар гектаридан пландаги 81,6 центнер ўрнига 110 центнердан ошириб ҳосил олдик. Шу кунгача эл дастурхонига 300 тоннадан зиёд олма топширилди, — дейди илғор бригада бошлиғи Наби Ҳамдамов, — Биз бу кўрсаткични 450 тоннага етказишни мўлжаллаётирмиз. Чунки, кечки олмаларда ҳосил сероб. Суратда: миришкор боғбон, илғор бригада бошлиғи Н. Ҳамдамов.

А. Қаюмов фотоси.

ЎЛКАМИЗ НОЗ-НЕЪМАТЛАРИ

СОВХОЗ МАРКАСИ БИЛАН

Чортоқ районидаги «Комсомолобод» совхозининг Р. Исабоев бошлиқ боғдорчилик бригадаси аъзолари бу йил олмадан ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил етиштирдилар. Шу кунларда боғларда иш қизғин. Соҳибкорлар олма теришни қизғин давом эттиришмоқда.

— 400 тоннадан зиёд мева топшириб, дастлабки маррани эгалладик. Боғларимизда ҳали ҳосил сероб. Бемалол яна 300 тонна мева топширамиз. Ҳосилнинг асосий қисми Кемерово, Абакан сингари саноат шаҳарлари аҳолисига жўнатилаётир. — дейди бригада бошлиғи Р. Исабоев.

Олма теримида Т. Мамирзаева, З. Тургунова, М. Исабоева сингари боғбонлар жонбозлик кўрсатишмоқда. Териб олинган олмаларни А. Қутбиддинов, У. Жуналиддуллаев, О. Ҳусанов, М. Маматкаримовлар пешма-пеш яшиклларга саралаб жойлашмоқда.

Шунингдек совхознинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли А. Қаҳҳоров, Т. Мусурмонов сингари уста боғбонлар етакчилик қилаётган бригадаларида ҳам олма териш авжида. Шуниси қувончлики, кунига 30—40 тонна олма Наманган область Чортоқ районидаги «Комсомолобод» совхози маркаси билан РСФСРнинг марказий шаҳарлари, БАМ бунёдкорлари дастурхонига армуғон этилаётир.

Ҳ. МАЛИКОВ.

Боғдан қовун

Қумқўрғон районидаги «Пахтакор» совхозидан Ёқуб Муҳамадиев бошлиқ бригада полизчилари бу йил янги боғда ўн беш хил нав қовун ва тарвузнинг уруғини қададилар. Боққа 15 сантиметр қалинликда солинган унумдор тупроқ икки марта маҳаллий ўғит билан тўйдирилди. Бу ерга Шеробод магистрал каналидан сув келтирилди. Ана шундай полизнинг ҳар гектаридан 20 тонна маҳсулот олинди.

Ҳозир деҳқонлар полиз экинларининг кечки навларини парвариш қилмоқдалар. Бу ердан яна олти юз тонна кечки ҳосил йиғиштириб олиш мўлжалланмоқда. Сурхон водийси шаҳарларининг аҳолиси қишда ҳам қовун ва тарвуз билан таъминланадилар. Хом ғиштдан устқ ёпиқ омбор қурилиб, ичига қалин қилиб қум тўкилган. Шу қум устига ўн тонна қишки қовун-тарвуз териб қўйилади. Қум эса уларни совуқдан ва намгарчиликдан асраб, сифатли сақлаш имконини беради. Мутахассисларнинг фикрича, маҳсулотларни бундай асраш қовун-тарвуз мазасини баҳор киргунча сақлаб қолиш имконини беради.

Янги мевали боғда барпо этилган полиз дарахтлар ривожини ҳам жадаллаштириб, тупроқни ўғитлаш, уни тўйимли моддаларга бойитди.

(ЎзТАГ).

СОҲИБКОРЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Фарғона районидаги Усмон Юсупов номли совхозининг Тоштемир Мажидов бошқарувчилик қилаётган учинчи бўлими соҳибкорлари эл дастурхонига 680 тонна узум топшириб, йиллик маррани эгалладилар.

Планнинг бажарилишига Сотволди Абдуллаев, Муҳаммаджон Нуров, Тўйчивой Аҳмедов, Жумабой Шералиев, Солижон Маҳмудов бошлиқ бригадалар аъзолари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Шунингдек совхознинг Салоҳиддин Солиев раҳбарлик қилаётган биринчи бўлими боғбонлари ҳам зафар қўчдилар. Қабул пунктларига пландаги 648 тонна ўрнига 680 тонна мева етказиб берилди.

С. ИЎЛДОШЕВА,
совхоз ишчилар комитети раиси.

ЗАФАР САТРЛАРИ

Эллиққалъа райони сабзавоткорлари юбилей йили планини муддатидан илгари адо этдилар. Давлатга пландаги 2825 тонна ўрнига 3000 тоннадан кўпроқ сабзавот топширилди. Бу муваффақиятга «Октябрь 60 йиллиги», «Эллиққалъа» совхозлари ва «Ленинград» колхози сабзавоткорлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Район хўжаликларида давлатга мева, қовун ва тарвуз топшириш йлани ҳам ошириб бажарилди. Қорақалпоғистоннинг полиз маҳсулотлари мамлакатнинг кўплаб саноат районларига ҳам жўнатилмоқда. Чунончи шу кунгача Ленинградга 5060 тонна, Бошқирдистонга 990 тонна, Челябинск областига 540 тонна қовун жўнатилди.

* * *

Нарпай районн мактажўхорикорлари ўрим-йиғимни муваффақиятли якунладилар. 1900 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 100,6 центнердан «нахрабо дон» олинди.

«Октябрь» колхозидан П. Суроз, «Победа» колхозидан Г. Суворов, «Москва» колхозидан И. Тоғаев бошлиқ бригадалар рекорд ҳосилдорликка эришиб, ҳар гектар ердан 100—120 центнердан сара дон олдилар.

амалга оширилиши туфайли 130 дан ортиқ миллат, халқ ва миллий группаларни ўз ичига олган Совет умумхалқ давлати ҳар тарафлама мустаҳкамланиб, тараққий этиб бормоқда. Ўз табиати билан интернационал давлат бўлган Совет давлати халқларнинг ҳуқуқий ва ҳақиқий тенглигини ўрнатди.

Улуғ Октябрь революциясига қадар тенгсизлик, миллатчилик, дин ва диний ақидалар ҳукмрон бўлган ўлкамиз Совет ҳокимияти йилларида чинакам дўстлик, биродарлик қарор топган интернационал республика бўлиб танилди. Буни республика халқ хўжалиги, маданий қурилишининг ҳар бир соҳасида, давлатни бошқариш ишида фаол қатнашаётган миллатлар ва элатлар мисолида кўришимиз мумкин.

Масалан, Қарши чўлини ўзлаштиришда 40 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари қатнашмоқда. Чирчиқ шаҳридаги корхона ва ташкилотларда 72, Тошкент шаҳар Кировобод районида 54 миллат вакиллари ишлаб чиқаришда меҳнат қилмоқда. Бундай маизарани республикамизда ҳар бир корхона, колхоз, совхоз, аҳоли яшайдиган турар жой ва маҳаллаларда кўриш мумкин.

Ягона мақсад йўлида биргаликда қилинган меҳнат, кундалик алоқалар уларни социалистик интернационализм, халқлар дўстлиги ва қардошлиги руҳида тарбиялайди бу эса коммунизм жамияти қуришдаги ғалабаларимизнинг гаровидир.

Ҳокимиятнинг халққа мансублиги ва унинг халқнинг ўзи томонидан ўз манфаатлари йўлида амалга оширилиши — совет социалистик демократиясининг асосий моҳиятидир Давлатни бошқаришда, жамоат ишларини ҳал этишда оммани тобора активроқ иштирок қилиши, социалистик демократия формаларининг бойиб бориши жамиятнинг коммунизм йўлидан илгарилаб боришини таъминловчи зарур шарт ва энг муҳим воситаэканлиги кун сайин тобора яққолроқ намоён бўлмоқда.

КПСС XXV ва XXVI съездлари қарорларида Совет давлати фаолиятида социалистик принципларни янада ривожлантириш, жамият ишига кенг оммани жалб этиш зарурлиги таъкидланди. Шунинг учун партиямиз социалистик демократиянинг ривожлантириш ҳақидаги ленинча ғояларга амал қилиб, давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилишда Советларнинг ролини оширишга, уларнинг омма билан кундалик алоқасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бермоқда. Бошқа давлат органларининг ҳеч бири Советлар каби мамлакатнинг бутун аҳолисиий ўз ичига «қамраб олиш»га, шунингдек, барча жамият аъзоларининг, ҳатто энг йироқдаги шаҳар ёки қишлоқ аҳолисининг кайфиятини, эҳтиёжларини ва истакларини «пайкаб олиш»га қодир эмасдир. Советлар составида ҳозир 2,2 миллиондан ортиқ депутат бор, улар қариб 30 миллион жамоатчи активларга таяниб иш олиб бормоқдалар.

Партия амалга ошираётган тадбирлар натижасида халқ депутатларининг фаолияти активлашди ва кўп қиррали бўлиб қолди. Ўз территорияларида иқтисодий ва социал қурилиш ишларига бевосита раҳбарлик қилишда ва оммани жамият ишини бошқаришга кўпроқ жалб этишда Советларнинг ташкилий-оммавий ишлари асосий ўринни эгаллайди.

Халқ депутатлари Советлари ҳозирги даврда олиб бораётган ташкилий-оммавий ишларининг конкрет мазмуни ва моҳияти — Совет ва унинг ижро органларининг ишларини пухта ўйлаб тузилган перспектив план асосида ташкил қилиш: Совет сессияларини Конституция ва Қонунда белгиланган муддатларда чақириш ва ўтказиш, доимий комиссиялар, ижро органларининг хўжалик ва социал-маданий қурилишдаги ташкилотчилик ролини кўтариш депутатларнинг Совет фаолиятида ва ўзлари ишлаётган жойларда активлигини оширишга эришиш ҳамда уларнинг ўз сайловчилари олдидаги ҳисоботларини ўқитиш; гражданларни ижроия комитет ходимлари ва депутатлар томонидан қабул қилишни ташкил этиш, уларнинг таклиф, ариза ва шикоятларини вақтида қараб чиқиш ва ҳал этиш, сайловчилар наказ ва таклифларининг бажарилишига эришиш, ижро органларининг ва доимий комиссияларнинг меҳнат коллективларида ва аҳолининг турар жойларида ҳисоботларини ўқитиш, ташаббускор жамоат ташкилотлари фаолиятини активлаштиришга эришиш; иқтисодий ва социал қурилиш планларини бажариш юзасидан социалистик мусобақани ташкил этишни бошқаришдан иборат.

Халқ депутатлари Советлари ўн биринчи беш йиллик плани барча кўрсаткичларнинг ортиғи билан бажарилишини ташкил этишда ўз функцияларини янада тўлароқ амалга оширишлари, экономика ва маданиятни ривожлантиришга, халқ фаровонлигини юксалтиришга амалий таъсир кўрсатишлари, шаҳар ва қишлоқларни обод қилишга, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизматни яхшилашга тинмай эътибор беришлари лозим.

Л. И. Брежнев СССР Олий Совети Президиумининг 1982 йил 31 майда ўтган мажлисида «КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленуми қарорларини амалга ошириш юзасидан халқ депутатлари Советларининг вазифалари тўғрисида гапириб, айтган эдики, жамият тараққиётининг иқтисодий стратегиясини амалга ошириш совет сиёсий системасининг ҳамма бўғинлари иштирокини назарда тутиш равшан. Улар орасида давлат, уларнинг органлари ва аввало, албатта Советлар биринчи ўринда туради. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, партия белгилаган программани амалга ошириш соҳасидаги ишнинг жуда катта ҳиссаси уларнинг зиммасига тушади. Чунки Советлар Конституцияга мувофиқ территориал ва тармоқ бошқарувининг бирлигини ўзида мужассамлаштиради, иккинчи томондан, Советлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ҳам, шунингдек одамларга хизмат қилиш сифатини ошириш учун ҳам жавоб беради.

Дарҳақиқат СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программасини амалга ошириш, мамлакатни озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан мутасил таъминлаб туриш, халқнинг турмуш даражасини янада ошириш мақсадида агросаноат комплексининг ҳамма тармоқларини ривожлантиришни таъминлаш тадбирларини оғишмай амалга ошириш — халқ депутатлари Советларининг ва уларга ҳисобот берувчи органларнинг асосий вазифаларидан биридир.

Совет кишиларининг фикр ва ўйлари, бунёдкорлик ишлари коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини белгилаб берган КПСС XXVI съезди ғоялари билан суғорилган. Партия ва халқнинг съезд қарорларини амалга ошириш юзасидан олиб бораётган иши ҳамма жойда авж олиб кетган шонли юбилейга тайёргарлик — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганининг 60 йиллигига ҳозирлик белгиси остида ўтмоқда.

К. КОМИЛОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг сектор мудири.

ПЛАНЕТАМИЗДА

БУГУН — БОЛГАР ХАЛҚИНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ — ОЗОДЛИК КУНИ

БУНЁДКОРЛИК ЙИЛЛАРИ

Совет Армиясининг ҳал қилувчи ёрдами билан Болгарияда 1944 йилнинг 9 сентябрида ғалаба қозонган социалистик революция болгар халқи учун янги жамият қуриш йўлини очиб берди. Революция ғалабасидан сўнг ўтган йиллар мобайнида Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг қардошларча мадади ва ҳамкорлигига таянган республика меҳнаткашлари Болгария Компартияси раҳбарлигида ўз ватанларини Европанинг қолоқ ўлкасидан замонавий индустрияга, механизациялашган қишлоқ хўжалигига ҳамда юксак даражада тараққий этган фан ва маданиятга эга бўлган социалистик давлатга айлантирдилар. Биринчи беш йилликлар даврида пойдевори қўйилган социалистик қурилиш программаси тўла амалга оширилди. Мамлакат экономикаси жадал ривожланди. Айниқса, қишлоқ хўжалиги юксак суръатлар билан ўсди. Халқнинг ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш соҳасида партия белгилаган программа муваффақиятли бажарилмоқда. Бундан ўн йил муқаддам қабул қилинган бу программа 1981 йилнинг баҳорида ўтган Болгария Компартияси XII съездида янада ривожлантирилди.

Болгарияда социалистик қурилиш соҳасида гап кетганда унинг бундай муваффақиятларга Совет Иттифоқи ва бошқа қардош мамлакатлар билан ҳамкорлик туфайли эришганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Болгария Халқ Республикаси Варшава Шартномаси Ташкилоти аъзоси бўлгани туфайли унинг хавфсизлиги тўла таъминланган. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзоси сифатида эса Болгария ўз маҳсулотларини сотадиган энг ишончли бозорга эгадир.

Суратда: София марказидаги Рус бульвари. Бульвар бу номни 1883 йили олган. Болгарияни туркилар зулмидан озод қилиш учун жангларда қатнашган рус қўшини шу бульвар орқали шаҳарга кириб келган эди.

О. Литвин фотоси. (ТАСС).

МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМНИ ЎРГАНМОҚДАЛАР

ГАВАНА, 8 сентябрь. (ТАСС). Кубада партия ва комсомол ўқуви системасида янги ўқув йили бошланди. Юз минглаб партия аъзолари ва ёш коммунистлар иттифоқи аъзолари, ишчилар, деҳқонлар, хизматчилар партия мактабларида, семинарларда ва марксизм-ленинизмни ўрганиш тўгаракларида ўз сиёсий билим даражасини оширмоқдалар.

Куба Компартияси Марказий Комитети органи — «Гранма» газетасининг ёзишича, марксизм-ленинизм классиклари меросини чуқур ўрганиш Лотин Америкасида Америка империализмининг агрессив йўли натижасида халқаро кескинлик ғоят кучайиб кетган бир пайтда ҳозир жуда муҳим аҳамият касб этади.

РЕВОЛЮЦИЯ ВАЗИФАЛАРИ

АДДИС-АБЕБА, 7 сентябрь. (ТАСС). Эфиопия меҳнаткашлари феодал монархия режимини ағдариб ташлаган ва мамлакатда социалистик жамият асосларини барпо этиш йўлини эълон қилган революциянинг 8 йиллигини тантанали равишда нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда. Эфиопия Меҳнаткашлар партияси ташкилоти комиссиясининг баёнотида ана шу ҳақда гапирилади. Мамлакатимизнинг кенг халқ оммаси, дейилади баёнотда бу шонли санани пролетар интернационализми байроғи остида ялпи тинчлик учун кураш ишига ўз ҳиссасини қўша туриб, революцион кўтаринкилик вазиятида кутиб олмоқда.

Эфиопия революциясининг муҳим вазифалари орасида, деб таъкидланади ҳужжатда, меҳнаткашлар партиясини тузиш масаласи алоҳида ўрин эгалламоқда. Бу ҳужжатда жамоат ташкилотларини мустаҳкамлаш жараёнига ва халқ оммаси ўртасида марксча-ленинча идеологияни тарқатишга юксак баҳо берилмоқда.

ХАБАРЛАР ОҚИМИДАН

ЖАҲОН ТИНЧЛИК КЕНГАШИНИНГ МУРОЖААТИ

ХЕЛЬСИНКИ. Жаҳон Тинчлик Кенгаши барча ҳукуматлар, сиёсий партиялар, ташкилотлар ва ҳаракатларга мурожаат этиб, БМТ Бош Ассамолеясининг қарорига биноан 21 сентябрда халқаро тинчлик куни ўтказишга чақирди.

Тинчлик тарафдорларининг ҳаракати узлуксиз кучаймоқда. Уннинг қатнашчилари ядро қуроли тугатилишини, барча ядровий давлатлар Совет Иттифоқидан ўрнак олиб, биринчи бўлиб ядро қуролини ишлатмаслик мажбуриятини қабул қилишларини ҳамда Европа қитъасида ракета-ядро қуролларининг янги турларини жойлаштиришдан воз кечишларини талаб қилмоқдалар.

Жаҳон тинчлик кенгаши тинчликсевар кучларнинг қуролланиш пойгасига қарши, мустаҳкам тинчликни таъминлаш, ядро урушининг олдини олиш учун янги қудратли ҳаракатларни авж олдиришга чақиради.

ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ БИРДАМЛИГИ

ПРАГА. Бу ерда 8 сентябрь куни нишонланган журналистлар халқаро бирдамлик куни муносабати билан халқаро журналистлар ташкилотининг баёноти тарқатилди.

Журналистлар халқаро бирдамлиги ғояси ҳалқаро журналистлар ташкилотининг 1981 йил октябрида Москвада қабул қилган қарорлари руҳига мувофиқ янада кенгайиб, мустаҳкамланиб қолганлигини биз фахрланиб ва чуқур мамнуний билан қайд этамиз, дейилади баёнотда.

Биз Африка, Лотин Америкасидаги — Куба ва Гренададаги, Никарагуа, Сальвадор ва Гватемаладаги, Чили, Уругвай ва бошқа мамлакатлардаги тараққийпарвар журналистларга ўз бирдамлигимизни изҳор этамиз.

Халқаро журналистлар ташкилотининг бош секретариати ишонтириб айтадики, халқаро журналистлар ташкилоти бундан буён ҳам ўз илм ва ижодидан тинчлик ва қуролсизланиш манфаатлари йўлида, халқларнинг одилона иши йўлида фойдаланувчи журналистлар тарафида қатъият билан тураверади.

ҒАЛАБА КУНИ

МАПУТУ. Мозамбик Халқ Республикасида биринчи марта ғалаба куни нишонланмоқда. Бу кун Мозамбик Халқ Республикаси халқ ассамблеяси доимий комиссиясининг декрети билан, ФРЕЛИМО партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан таъсис этилди.

«Нотисиаш» газетасининг ёзишича, янги миллий байрам мозамбик халқининг мустақиллик йўлидаги кураши тарихида муҳим босқич бўлмиш 1974 йил 7 сентябрда Лусака битимлари имзоланганлигини акс эттиради. Бу битимлар мозамбик халқининг Португалия мустамлакачилиги устидан қозонилган ғалабасини юридик жиҳатдан мустаҳкамлади.

ТАНГЛИК ИСКАНЖАСИДА

НЬЮ-ЙОРК. Бошқа капиталистик мамлакатлар каби Қўшма Штатлар ҳам, ҳозир кейинги юз йил мобайнидаги энг оғир иқтисодий танглик исканжасига тушиб қолди. АҚШдаги Англикан черкови руҳонийлари коалицияси тарқатган баёнотда шундай дейилади.

Қўшма Штатларнинг иқтисодий системаси, деб уқтирилади ҳужжатда, иш жойларнинг ва оддий американликлар даромадларининг тақсимланиши устидан контроллик қилиб келаётган, аммо айни вақтда улар олдида ҳеч қандай мажбурият олишни истамаётган катта-катта корпорацияларнинг айби билан емирилиб бормоқда.

Шу ташкилот АҚШ жамоатчилигига мурожаат қилиб, Америка меҳнаткашларини талаш ҳисобига бойлик орттираётган монополияларнинг назоратсиз ҳокимиятига қарши кураш кампаниясига актив қўшилишига чақиради.

МОЗАМБИКНИНГ ДАЪВАТИ

НЬЮ-ЙОРК. Мозамбик ҳукумати БМТ Бош секретарини ва халқаро миллатлар ҳамжамиятини ЖАРнинг Африка қитъаси жанубий қисмидаги тинчлик ва хавфсизликни таҳлика остига қўйиши мумкин бўлган ҳаракатлар қилишига ҳалақит бериш учун ўзларига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилишга чақиради.

Мозамбикнинг БМТ ҳузуридаги доимий вакили Жозе Карлуш Лобо ўз ҳукуматининг топшириувига биноан Бош секретарь Х. Перес де Куэльярга мактуб юборди. Унда апартеид режими Африкадаги шу мустақил давлатга қилаётган қуролли ҳужумлар ва территориал бутунликни бузишларининг сўнггиси ҳақида хабар қилинади. 22 август куни Жанубий Африка армиясининг 50 кишилик командослар группаси Мозамбик территориясига суқилиб кирди. Шу қуролли хуруж натижасида Мозамбикда ишлаб турган Португалия граждани, икки нафар мозамбиклик ўлди, маҳаллий аҳолидан уч киши ўғирлаб кетилди.

Жанубий Африка, деб уқтирилади мактубда, кейинги вақтларда Мозамбик Халқ Республикасининг мустақиллигини қўпориш ва мамлакат экономикасини бузиш мақсадида қўзловчи кампанияни авж олдириб юборди.

ЧИЛИДАН КЎЧИБ КЕТМОҚДАЛАР

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО. Чили иммиграция католик институтининг хабар қилишича, Пиночет хунтаси ҳокимият тепасида турган йилларда чилиликлардан 1 миллион 200 мингдан кўпроқ киши ўз юртини тарк этишга мажбур бўлган.

Институт тадқиқотларининг кўрсатишича, Чилидан кўчиб кетувчиларнинг кўпайиш тенденцияси келгусида ҳам давом этаверади, чунки бу мамлакатда турмуш шароитлари жуда оғир, қимматчилик, ишсизлик кучаймоқда ва ҳарбий фашистлар режимининг жабр-зулми тўхтамаяпти.

(ТАСС, 8 сентябрь).

ЖИНОИЙ ХУРУЖ

БЕРН, 7 сентябрь. (ТАСС). ПХРнинг Берндаги элчихонаси бандитларча босиб олинганлиги муносабати билан Швейцария федерал маъмурларининг вакили террорчиларнинг элчихонага ва дипломатия ходимларига қарши қилган ҳаракатларини жиноий хуруж деб таърифлади.

Федерал юстиция ва полиция департаментининг вакили ҳозир асосий вазифа террорчиларни қамоққа олишдан иборат эканлигини айтди.

ВАРШАВА, 7 сентябрь. (ТАСС). ПАП агентлигининг хабар қилишича, НАТО мамлакатлари бир группа террорчиларнинг элчихонага бостириб киришидан ўзларининг Польшага қарши кампаниясида фойдаланишга уриниб, поляк халқининг асосий манфаатларига хилоф бўлган ҳамда Польшадаги ва унинг атрофидаги кескинликни сақлаб қолишга қаратилган ҳаммага маълум пропаганда йўлига мувофиқ равишда ҳаракат қилмоқдалар.

ЧЕГАРАДА ИҒВОГАРЛИК

ПНОМПЕНЬ, 8 сентябрь. (ТАСС). Таиланд ҳарбийлари Халқ Кампучияси чегарасида қуролли иғвогарликни давом эттирмоқдалар.

Кампучия ахборот агентлиги — СПКнинг хабар беришича, Таиланд артиллериясн август ойининг сўнгги кунлари — сентябрь бошларида Кампучиянинг кўпгина чегара яқини районларини 60 мартадан кўпроқ қаттиқ ўққа тутган. Шу даор ичида Таиланд ҳарбий ҳаво кучларининг самолётлари ва вертолётлари КХРнинг осмон чегарасига бир неча марта бостириб кирган, Таиландннинг қуролланган кемалари эса Кампучиянинг территориал сувлари чегарасини 130 марта бузган.

ҲУКУМАТ ТУЗИЛМОҚДА

КОПЕНГАГЕН, 8 сентябрь. (ТАСС). Дания консерватив халқ партиясининг раҳбари Пауль Шлютер мамлакатнинг янги ҳукуматини тузиш тўғрисидаги музокарани бошлади. Маҳаллий сиёсий кузатувчиларнинг фикрича, унинг олдида оғир вазифа турибди. Даниядаги энг катта Социал демократик партиясининг раиси А. Йоргенсен ўз партияси янги кабинетда иштирок этишдан воз кечганлигини маълум қилди. «Биз ДСДПнинг буржуа партиялари билан ҳукуматда ҳамкорлик қилиш учун реал имкониятлар йўқ эканлигини таъкидлашимиз керак», — деди у.

П. Шлютер кабинетни тузиш учун буржуазия партияларининг Фолькетингдаги намоандалари розилигини олиши зарур. Буржуа партиялари вакилларининг баъзиларн эса ҳозирча ўз позицияларини белгилаб олганлари йўқ.

Даниянинг аввалги ҳукумати ҳокимият тепасида атиги саккиз ой турган эди. Бу ҳукумат бошқа партиялар билан биргаликда мамлакат молиявий аҳволини яхшилаш программасини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги масала борасидаги битимга эришишга уриниб мағлубиятга учрагандан сўнг 3 сентябрда истеъфо берган эди. Социал демократлар кабинетининг иқтисодий программасида жумладан, социал сектор эҳтиёжлари учун ажратиладиган давлат маблағларини кескин камайтириш ва янги солиқларни жорий этиш кўзда тутилган эди.

Касаба союзларнинг фикрича, бу тадбирлар аҳолининг камбағал қатламларига зарба беріб, ишсизликнинг янада тез қўпайишига олиб келган бўлур эди. Ҳозирги кунда Данияда қариб 270 минг «ортиқча киши» бор. Бу эса меҳнат қобилиятига эга бўлган бутун аҳолининг 11 процентдан кўпроғини ташкил этади.

Бахтимиз учун курашганлар

ЭЛ ҚИЗИ

Инсон ҳаётида шундай кунлар бўладики, улар кишининг бутун ҳаёт йўлини ёритиб туради. Шамсиқамар Ғойибжонова учун 1921 йил ёзидаги кун ана шундай бўлди. Совет Туркистони аёллари группаси составида Москвага келган Ш. Ғойибжонова коммунист аёллар II халқаро конференцияси якунловчи мажлисида иштирок этади, Н. К. Крупская, К. Цеткин, А. М. Коллонтай, М. И. Ульяновалар билан учрашади. Шу конференция делегати бўлган коммунист аёллардан бири бу воқеани қуйидагича хотирлайди:

... Кремлдаги Свердлов зали эшиклари олдидаги кишилар ҳаракатга келди. Сўнгра жаҳондаги кўпгина мамлакатлар ишчи аёллари вакилалари ўтирган залга Шарқ хотин-қизлари узун қатор бўлиб кириб келади. Уларнинг кўпчилиги паранжи ёпинган. Оғир, ёвуз ўтмиш билан алоқасини узган бу аёлларни пионерлар кабинкутиб олдилар. Қарсаклар сўнги узилмасди, ҳеч ким гапира олмас, қувончдан барчанинг кўзида ёш. Ниҳоят, паранжилар кўтарилиб, бошига дўппи кийган, қоп-қора сочлари иккита қилиб ўрилган ўрта ёшлардаги аёл минбарга чиқиб, конференция қатнашчиларини барча Туркистон аёллари номидан табриклайди.

Бу аёл — ўлкада дастлабки коммунист ва ташкилотчи хотин-қизлардан бири, ўзининг бутун ҳаётини ўзбек аёллари бахт-саодати учун курашга бахшида этган ажойиб тақдирли инсон — Шамсиқамар Ғойибжонова эди...

В. И. Ленин билан хотирадан ўчмас учрашувни Шамсиқамар Файзуловна ҳаётидаги энг бахтли кун деб ҳисобларди. Хўш, бу қандай рўй берганди? Владимир Ильич Туркистон хотин-қизлари яшаб турган бинода ўтадиган III Умумиттифоқ озиқ-овқат кенгашининг мажлисига бораётганда, улар юзма-юз келиб қолдилар. У Ильични ўз кўзлари билан кўрди. Ўша вақтда Владимир Ильич Ғойибжонова ва дугоналарига қарата, қолоқлар ичида энг қологи, чўрилар ичида энг чўрисининг онги уйғонган, у янги турмуш учун курашга отланган экан, революция албатта ғалаба қилади, деганди.

Доҳийнинг «Туркистоннинг барча хотин-қизларига етказинг, биз уларнинг ёрдамини кутамиз», — деган сўзлари Ш. Ф. Ғойибжонова ва унинг кўплаб дугоналари учун қанот бағишлади, ҳаёт йўлида йўлчи юлдуз бўлди.

Ш. Ф. Ғойибжонова 1887 йилда тошкентлик ишчи оиласида дунёга келди. Ота-оналари шариат қонунларига риоя этиши натижасида ёшлик чоғида таълим ола билмади. Оилани тебратишда уларга ёрдам бериш мақсадида ўн тўрт ёшида шаҳар касалхонасига санитарка бўлиб ишга кирди.

Октябрь революцияси унинг ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. Коммунистик партия сафига киришга қарор қилган дастлабки ўзбек аёллари сафида бўлиш учун ниҳоятда кўп ўйлаш ва фикрлаш лозим эди. Эҳтимол, бундай қарор дарҳол ва осонликча қабул қилинмагандир. Аммо, Ғойибжоновани шу қарорга олиб келган меҳнат, уни янгиликка интилишга, келажакка ишонишга чорлаган кишилар эканлиги шубҳасиз. У 1920 йилда Ленин партияси сафига кирди ва ўз тақдирини у билан маҳкам боғлаган ҳолда бутун куч-ғайратини, ҳаётини Коммунистик партия идеаллари учун курашга, меҳнаткаш халққа садоқат билан хизмат қилишга сарфлади.

Партия ёш коммунистни ўша вақтларда ўлкада социалистик қурилишнинг энг мураккаб ва муҳим участкаларидан бири — хотин-қизларни озод қилиш ва уларни янги жамият қуришга жалб этиш учун курашга йўллади. Дастлабки вақтларда Ғойибжонова маҳаллий миллатга мансуб аёллар билан ишлаш бўйича Сирдарё область партия комитетининг инструктори вазифасини бажара бошлади. Кейинроқ 1921 йилдан бошлаб Тошкентдаги 4-район партия комитети хотин-қизлар бўлими мудири қилиб сайланди. Шу масъулиятли лавозимда ишлар экан, у Тошкент «эски шаҳари»даги ўзбек аёлларини уюштириш ва уларни сиёсий чиниқтириш борасида актив иш олиб борди.

1925 йил февралида Бухорода Ўзбекистон Коммунистик партияси ва Ўзбекистон Советларининг Таъсис съезди борарди. Делегатлар орасида Ш. Ф. Ғойибжонова ҳам бор эди. Съездда аёллар билан ишлаш тўғрисида махсус қарор қабул қилинди. «Ўзбекистонда партиянинг навбатдаги вазифалари тўғрисида»ги умумий резолюцияга қатор пунктлар киритилиб, улар ўзбек хотин-қизларини озод қилишда партия ташкилотларининг вазифаларини белгилаб берди. М. И. Калинин доклади юзасидан музокараларда Ш. Ф. Ғойибжонова ҳам сўзга чиқди.

Ўзбекистон Компартиясининг 1-Таъсис съездида Ш. Ф. Ғойибжонова Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети аъзолигига кандидат қилиб сайланади. 1925—26 йилларда эса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети хотин-қизлар бўлими мудирининг ўринбосари вазифасида ишлади.

Ўзбек хотин-қизларини озод қилиш йўлида, уларнинг эркаклар билан тенглигини ўрнатишда эски феодал-бой турмушига қарши бошланган «ҳужум» ҳаракати катта тарихий босқич бўлди. Ўн минглаб хотин-қизлар паранжи ташладилар. Саводсизликни тугатиш мактабларида ўқидилар, қишлоқ хўжалик кооперативларига кирдилар. Бу ҳаракат оғир шароитларда, дин арбоблари билан, асрлардан буён давом этиб келаётган турмуш тартиблари билан курашда ривожланиб борди. Хотин-қизлар клублари, улар учун мактаб-интернатлар, дастлабки аёллар артеллари, маҳаллий миллат аёллари учун тиқувчилик, тўқувчилик ва бошқа хил ҳунар-техника мактаблари очилди.

Ш. Ф. Ғойибжонова ўз ишини жуда севарди, аёллар озодлиги унинг ҳаётдаги мақсади эди. Совет ҳокимиятининг душманларини у ўзининг шахсий душманлари деб ҳисобларди. Улар ёвузларча ўч олардилар... Елланган қотил томонидан оғир яраланиши бутун ҳаёти давомида сезилиб турди...

Уттиз йил давомида Ш. Ф. Ғойибжонова Ўзбекистоннинг турли хўжалик муассасалари ва ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида ишлади, бир неча бор республика партия ва совет органлари раҳбарлигига сайланди. Ўзбек халқи ажойиб қизининг фидокорона меҳнати партия ва Совет ҳукумати томонидан юксак баҳоланди.

Ватанга ва партияга содиқ хизмат қилган аёлнинг ҳаёт йўли ана шундай. Ш. Ф. Ғойибжонова Октябрь революцияси натижасида озодликка эришган ва янги социалистик жамият қуриш йўлида онгли тарихий ижодкорликка даъват қилинган мамлакат хотин-қизларининг шонли авлодига мансуб эди. Кўп миллатли давлатимизнинг 60 йиллигини нишонлаш арафасида энг яхши кишиларимиз қаторида коммунист Ш. Ф. Ғойибжонова номини ҳурмат билан тилга олсак арзийди.

Р. ПУЛАТОВА,
Ўзбекистон КП Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институтининг илмий ходими.

Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди

ҚАЛБ ХОТИРАСИ

Улуғ Ватан уруши тарихида қадимги рус шаҳри Ржев учун бўлган жанглар алоҳида ўрин тутади. Бу шаҳар пойтахтимизга яқин жойлашганлиги сабабли катта стратегик аҳамиятга эга эди. Уни озод қилиш учун бўлган жангларда жуда кўп миллат вакиллари қатнашди. Ана шу жангнинг иштирокчиларидан бири ўзбекистонлик Худойберди Сафаров қандай жанг қилганлиги икки қардош республика — Россия ва Ўзбекистондаги иккита мактаб ўртасида вужудга келган дўстлик алоқалари туфайли маълум бўлди.

Уруш бошланганда у 26 ёшга кирган эди. Масъул вазифада ишлаганлиги сабабли ўз бурчини виждонан ва хотиржам бажариши, урушда қатнашмаслиги мумкин эди. Лекин виждони бунга йўл қўймас, Советлар Ватани тақдири ҳал бўлаётган жойга даъват этарди. Унинг аризасини икки марта рад этишди. Учинчи аризасидан сўнгина Сафаров армияга чақирилди ва 52-ўқчи дивизиянинг 429-ўқчи полкига юборилди.

Қўшинларимиз Ржев яқинида ҳужумга тайёрланишарди. Июль ойининг охирида генерал-лейтенант Лелюшенко қўмондонлик қилган 30-армия қўшинлари Ржев шаҳрининг шимолий шарқида ҳужумга тайёрланишди. Плотниково, Дешевки қишлоқлари районида қаттиқ жанглар бошланди. Ана шу жанглардан бирида Х. Сафаров вақтинча чекинаётган ўртоқларини ҳимоя қилиб турган вақтида икки оёғидан ярадор бўлди.

Икки ҳафтадан сўнг оддий аскар Сафаров яна сафга қўшилди. 1942 йил сентябрида жанг қизиган бир пайтда алоқа узилиб қолди, уни тиклаш учун юборилган ўрт алоқачи ҳалок бўлди. Худойберди командир ўзига маъноли қараб турганини сезди-да, бу хавфли ишни ўз зиммасига олиши заруррлигини тушунди. Орадан кўп вақт ўтмай, бўлинманинг штаб билан алоқаси тикланди. Лекин Х. Сафаров бирбирига уланган симни ушлагунча ётарди. У ҳалок бўлган, эди.

1979 йилда Ржев шаҳридаги 5-ўрта мактабга Сурхондарё область Сариосиё районидаги Ойдин номли 35-ўрта мактаб ўқитувчиси Олланазар Сафаровдан хат келди. Олланазар отаси Худойберди Сафаров Ржев шаҳрини озод қилиш учун унинг шимолий шарқий томонида бўлган жангларда ҳалок бўлганлигини ёзиб, отасининг қабрини топишда ёрдам беришни сўраган эди.

Тақдир тақозоси билан 5-мактаб директори Иван Михайлович Тихомиров Худойберди Сафаровнинг полкдоши бўлиб чиқди. Ўқувчилар ва педагоглар ўзбекистонлик жангчи «Қўрғон» деб юритилаётган биродарлик қабристонига дафн этилганлигини аниқладилар.

Икки мактаб ўртасида ёзишма, кейинчалик эса дўстлик бошланди. 1980 йил баҳорида ржевликлар Ўзбекистонга, Ойдин номли мактабга меҳмонга бордилар. Худойберди Сафаровнинг полкдоши Иван Михайлович Тихомиров Ржев шаҳри учун бўлган қонли жанглар тўғрисида, уруш вақтида шаҳар бутунлай вайрон бўлганлиги, урушдан кейин яна қайта тикланганлиги, ҳозир шаҳарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот жаҳондаги 30 мамлакатга юборилаётганлиги, Худойберди Сафаровнинг қони тўкилган шаҳар байроғини I даражали Ватан уруши ордени безаб турганлиги тўғрисида ҳикоя қилди.

Яқинда Худойберди Сафаровнинг икки фарзанди ота қабрини зиёрат қилиш учун Ржев шаҳрига келди. Улар биродарлик қабристонига келиб, азиз Ватанимиз учун ҳалок бўлганлар қабрига гуллар қўйдилар. 5-мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари меҳмони бўлдилар.

Ржев шаҳридаги ҳарбий комиссариатда «Ҳалок бўлганлар хотираси» хонаси бор. Бу ерда ўзбекистонлик меҳмонларга 72 мингдан ортиқ карточка борлигини айтиб, шулардан бирини олиб кўрсатишди. Бу карточкада «30-армия, 52-ўқчи дивизиянинг 429-ўқчи полки оддий солдати Худойберди Сафаров Ржев шаҳри учун жангларда 1942 йил 21 сентябрда мардларча ҳалок бўлди» деб ёзилган эди. Юқори Волга бўйидаги кичик Русь шаҳри аҳолиси Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган оддий ўзбек деҳқони фарзандини унутмаган эди. Ҳеч қачон унутмайди ҳам.

Е. КАЧАН.
Ржев шаҳри.



Бўстонлиқ районидаги «Чорвоқ» совхозида асал тайёрлаш қизғин давом эттирилмоқда. Суратда: катта лаборант С. С. Комилов ва лаборант Р. Эшматовалар иш устида.
В. Босканов ва К. Тошпўлатов фотоси.

СПОРТ

БАСКЕТБОЛ:

ЕВРОПА ЧЕМПИОНЛАРИ

СССР терма командаси қизлари Финляндияда ўтказилган Европа чемпионатида муваффақият қозондилар. Совет баскетболчилари сафида куч синашган фарғоналик студент Ольга Сидорова билан тошкентлик Елена Горникидулар терма команда ғалабасига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб, қитъа чемпиони номига сазовор бўлишди. 12 команда иштирок этган бу мусобақада совет баскетболчиларига капитанлик қилган Е. Горникиду «Энг яхши ҳужумчи» совринини ҳам қўлга киритди.

ГИМНАСТИКА:

ҒОЛИБЛИК СУПАСИДА

Андижонда «Меҳнат резервлари» кўнгилли спорт жамияти марказий советининг шахсий чемпионати бўлиб ўтди. Мусобақада Москва, РСФСР, Украина, Белоруссия, Грузия, Литва, Молдавия, Арманистон ва Эстония командалари иштирок этди. Мусобақада андижонлик Н. Продажная билан И Лебедевлар кўпкураш бахсида 72,95 ҳамда 110,45 тадан балл тўплаб ғолиблик супасига кўтарилдилар.

ФУТБОЛ:

ПАХТАКОРЧИЛАР ХОТИРАСИ

Тошкент областининг Коммунистик районидаги Свердлов номли колхоз стадионида собиқ пахтакорчилар хотирасига бағишланган мусобақа якунланди. Халқаро классдаги спорт мастери, ярим ҳимоячи Михаил Ан билан ҳимоячи Олим Аширов хотирасига бағишланган мазкур мусобақада жами 16 команда иштирок этди. Ҳал қилувчи баҳсда Свердлов номли колхоз командаси билан ХАТП-23 коллективи майдонга тушди. Учрашув 1:0 ҳисобида колхоз командаси футболчилари фойдасига ҳал бўлди.

СОВРИНЛАР ВА ЎРИНЛАР

⊙ ФУТБОЛ: «Спартак» — «Нефтчи» учрашуви 5:0 ҳисобида тугади. Тўпладан тўрттасини Швецов, биттасини Черенков дарвозага йўллашди. Спартакчилар ҳисобидаги очколар 29 тага етди.

А. ТОЛИПОВ.

ФАН ВА ТЕХНИКА ОЛАМИДА

ЭҲМ ПАХТАНИ ҚАБУЛ ҚИЛМОҚДА

Оқтепа пахта заводига янги ҳосил пахтасини бир неча прицепга ортиб келтирган тракторчи одатдагидек навбат кутиб турмади. Бир неча минут ичидаёқ пахтанинг навни, сорти, намлиги, ифлослиги аниқлаб чиқилди ва электрон ҳисоблаш машинаси Тельман номли колхоздан 5 тонна олий проба «оқ олтин» қабул қилинганлиги тўғрисида шу заҳоти ҳужжат тайёрлаб берди.

Тошкентдаги «Сигнал» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи яратган ва бу ерда ўрнатилган пахта сифатини аниқловчи автоматик система «АСПХ—1» шундай ишламоқда. Ғоят мураккаб электрон приборлар билан таъминланган ва ЭҲМ билан бир комплекс бўлиб ишлайдиган янги система пахтанинг сифат кўрсаткичлари холис аниқланишини гарантиялайди ва шу билан бирга бир соатда юз тоннагача пахта қабул қила олади.

Тошкент областининг Тўйтепа ва Оқтепа пахта заводларида шундай системалар ишлаб турибди. АСПХни кўплаб ишлаб чиқаришга тавсия этган давлат комиссияси унинг ғоятда самарали ишлашни қайд этди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, фақат биргина тайёрлаш пунктида ўрнатилган шундай система ҳар йили 57 минг сўм пулни тежаш имконини беради. «Сигнал» бирлашмаси беш йиллик охиригача Ўзбекистон ва мамлакатдаги бошқа пахтакор республикаларнинг юзтадан кўп пахта заводларини шундай системалар билан жиҳозлайди.

(ЎзТАГ).

Редактор ўринбосари Б. ЮСУПОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Горичлар, қаердасиз? 10.25 — Уруш ва тинчлик. Бадиий фильм. 3-серия. 11.45 — Чашма. 12.25 — Ишлаб чиқариш гимнастикаси. 12.55 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 15.50 — Концерт. 16.10 — Инсон — ер эгаси. 17.20 — Киножурнал. 17.30 — Шахмат мактаби. 18.00 — Кувноқ нотачалар. 18.15 — Енгил атлетика. Европа чемпионати. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фан оламида. 20.00 — Болгарияннинг миллий байрами. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт. 22.35 — Дунё воқеалари. 22.50 — Поэзия.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 — Ўқув кўрсатуви. 10.05 — Испан тили. 11.05 — Физика ва илмий-техника революцияси. 11.35 ва 12.50 — Музика. 11.55 — Илмий-оммабоп фильм. 12.20 — Оналар мактаби. 13.10 — Зоология. 13.35 — Тарих. 14.00 — Бородино жангининг 170 йиллигига. 15.00 — Энг чиройли тулпор. Бадиий фильм. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Фильм-концерт. 19.00 — Ангарада ўрмон химияси гигантлари. 19.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Футбол. Динамо (Мн) — ЦСКА. 21.30 — Время. 22.05 — Фариштa куни. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Ўзбекистон ССР тарихи. 12.00 — Фонарик. 12.30 — Ўзбекистон ССР тарихи. 13.00 — Журналист. Бадиий фильм. 2-серия. 18.05 — Мультфильм. 18.25 — Ешлик. 18.55 — Илмий-оммабоп фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Оламга саёҳат. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — София — Тошкент интерклуби. 00.25 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 18.15 — Қўғирчоқ фильм. 18.30 — Бой ила хизматчи. Спектакль. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Спектаклнинг давоми. 21.00 — Ер ва одамлар. 21.30 — Москва-II.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Мақомлардан парчалар. 9.30 — Ватан ҳақида куйлаймиз. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Малиш. 14.00 — Табаррук замин. 18.15 — Фортепьяно пьесалари. 19.40 — Москва. Ягона оилада. СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида иттифоқдош республикалар куни. Ўзбекистон ССР. 20.50 — Озодлик куни. 21.00 — У. Назаров. Одамлар. Радиоинсценировка. 21.20 — Чорвадорлар учун концерт. 22.30 — М. Дадабоева ва Ш. Эргашев куйлайди.

АХБОРОТ

ҚИШЛОҚ ИСТИРОҲАТ БОҒИ

Қизилтепа районининг «Москва» колхози марказидаги Ванғози қишлоғида колхозчилар учун мўлжалланган 35 гектарли маданият ва истироҳат боғида меҳнаткашлар ҳордиқ чиқарадилар. Боғнинг 85 процентини мевали дарахтзорлар ташкил этади. Тажрибали боғбон Аҳмад Раҳматов боғдорчилик бригадасига бошлиқ қилиб тайинланди. Боғда катта ҳовуз, ҳордиқ чиқариладиган павильон, ҳовуз қаршисида эса анвойи гуллар яшнаб турган майдон билан туташ ерда икки қаватли меҳмонхона, ошхона жойлашган. 700 метрли тош ҳовузлари, колхозчилар мириқиб дам оладиган маҳнун толзорлар, арчазорлар, гулзорлар ажойиб манзара кашф этган.

Колхозчилар боғда дам олиш билан бирга боғдорчилик илмининг сирлари билан ҳам яқиндан танишадилар, тажрибали агрономлар, боғбонлар бу ерга келиб лекция ва суҳбатлар уюштириб туришади. Истироҳат боғида ёш боғбонлар мактаби очилди. Колхоз боғбонлари ҳозирга қадар шаҳарликлар дастурхонига 100 тоннадан кўпроқ мева-чева армуғон этдилар. Боғда етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олиш давом этмоқда. Улар давлатга яна 120 тонна олма, анор, узум, анжир топширишга қарор қилишди.

Ҳ. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КЎРГАЗМА ЗАЛЛАРИДА

ЁШ РАССОМЛАР ИЖОДИ

Тошкентда, республика Киночилар уйида бухоролик ёш рассомларнинг асарлари намойиш этилмоқда. Она юрт, унинг гўзал табиатини, меҳнат жараёнлари ва унда кўрсатилаётган фидойиликлар, замондошларимизнинг фаровон турмуши, ёшларимизнинг соф севги-муҳаббатини тасвирлаган картиналар санъат мухлисларида зўр қизиқиш уйғотяпти.

Асарлари кўргазмага қўйилган ёш мўйқалам соҳиблари орасида Н. Бобоев алоҳида ажралиб туради. Муҳими шундаки, унинг асосий мавзуи янги ерларни ўзлаштирувчилар, бир сўз билан айтганда, романтик характердаги бунёдкор кишилардир. Масалан, унинг «Кузги ишлар», «Бригадир», «Дарахт ва инсон» картиналарида колхоз кишлоғи ва унинг изланувчан, замонавий кишилари образлари ўзига хос усталик билан поэтик гавдалантирилган.

Ёш, интилувчан мусаввир Б. Саломовнинг ишлари ҳам диққатга сазовор. У кейинги йилларда бир қатор оригинал портрет ва манзара асарлари яратди. Мўйқалам соҳибининг нозик ниризм билан суғорилган «Ўрик гуллаганда», «Баҳор», «Куз» каби картиналари фикримизни тасдиқлайди.

Тошкентлик санъат мухлислари эътиборига сазовор бўлаётган асарлар орасида З. Саиджоновнинг «Эски Бухоро» графика серияси, Н. Ҳазратовнинг «Кечқурун» картиналари ҳам бор.

Бухоролик ёш рассомлар асарлари кўргазмасининг ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эга. Бу кўргазма область ёш мўйқалам соҳибларини янада илҳом билан ишлашга, ижод қилишга даъват этади.

А. ТОЛИПОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА

11, 12, 25, 26 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ

Алишер Навоий «ХАМСА»сининг 500 йиллиги ва Ш. ХУРШИД таваллудининг 90 йиллигига бағишланган

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

ХУРШИД асари — Т. СОДИҚОВ ва Р. ГЛИЭР музикаси

«ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН»

(II пардали музикали драма)

ПОСТАНОВКАЧИ РЕЖИССЕР — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист БАХТИЁР ИХТИЁРОВ.

ДИРИЖЕР — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист НАБИ ХАЛИЛОВ.

РАССОМЛАР — Э. ҚАЛАНТАРОВ, А. ЖИБОЕДОВ.

ХОРМЕЙСТЕР — К. САЪДУЛЛАЕВ.

БАЛЕТМЕЙСТЕРЛАР — Ш. АҲМЕДОВ, Ю. ИСМАТОВА.

ИШТИРОК ЭТАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артисти, Ҳамза номли Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати ҲАМЗА УМАРОВ.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: ШУҲРАТ РАСУЛОВ, АНВАР ЮСУПОВ.

СОЛИСТЛАР: М. ҲОЖИМАТОВА, М. САЛИМОВ, Н. РУСТАМОВ ва бошқалар.

Спектакль соат 19.30 да бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

СССР Алоқа министрлигининг

ТОШКЕНТ АЛОҚА ЭЛЕКТРОТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

1982-83 ўқув йили учун

КУНДУЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига саноат корхоналари, қурилишлар, транспорт ва алоқа ташкилотлари, геология-қидирув ташкилотлари, колхозлар, совхозлар, ҳарбий қисмлар қўмондонлиги йўлланмаси билан келганлар, ўқишга юбориш ҳақидаги масала кўрилган кунга қадар камида бир йиллик узлуксиз иш стажига эга бўлган ўрта маълумотли ишчилар, колхозчилар ва СССР Қуролли Кучларидан запасга бўшатилганлар қабул қилинади.

Иш стажи йўлланма берган корхонада (колхозда) сўнгги бир йил ичида узлуксиз бўлиши керак. Шогирд сифатидаги иш стажи тайёрлов бўлимига қабул қилишда ҳисобга олинмайди.

Ўқишга юборилган колхозчилар ҳар бир календарь йилнинг мазкур колхоз учун белгиланган иш кунлари минимумини ишлаб берган бўлишлари керак.

Кундузги ўрта мактабни 1982 йилда тугатганлар иш стажи бўлган тақдирда ҳам тайёрлов бўлимига қабул қилинмайдилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: институт ректори номига ёзилган ариза, йўлланма (2 ёки 1,4 илова), ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), сўнгги иш жойидан (ҳарбий қисмдан) характеристика, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (корхона раҳбари томонидан тасдиқланган), 286-формадаги медицина справкаси, 3x4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат).

Ариза ва ҳужжатлар 1 октябрдан 11 ноябргача қабул қилинади.

Кирувчилар билан 20—25 ноябрь кунлари математика ва физика бўйича суҳбат ўтказилади.

ТИНГЛОВЧИЛАР САФИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ 25—30 НОЯБРЬ КУНЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

Тайёрлов бўлимини битириб, имтиҳонларни муваффақиятли топширганлар институт кундузги бўлимининг биринчи курсига кириш имтиҳонларисиз қабул қилинадилар.

МАШҒУЛОТЛАР 1 ДЕКАБРДА БОШЛАНАДИ.

Ўқиш муддати — 8 ой.

Тингловчилар сафига қабул қилинганлар ҳар ойда 40 сўм стипендия билан таъминланадилар. Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхона берилади.

Мурожаат учун адрес: 700084, Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 108 уй. Телефон 35-36-06

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

12 сентябрь соат 19.00да

СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН

Олий лиганинг

«ПАХТАКОР» (Тошкент) — «ҚАЙРАТ» (Олмаота) — командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Узбекистон ССР Госпланининг

ИЛМИЙ-ТЕХНИКА АХБОРОТИ ВА ТЕХНИК-ИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

қурилиш ва қурилиш индустрияси бўлими катта илмий ходими вакант вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси 171-уй. Телефон 44—25—88.

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг

ФИЗИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

лаборатория кичик илмий ходимлари: умумий физиология, ёш физиологияси, таомни хазм қилиш физиологияси.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой

Мурожаат учун адрес: 700000, Тошкент шаҳри, Жуковский кўчаси, 1-тупик, 47-уй. Телефон 33-21-42.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 9/IXда Нодирабегим, 10/IXда Ун учинчи раис.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 9/IXда Хотинимнинг эри, 10/IXда Ишонмасанг ўламан.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Цирк санъатининг янги асари — «РУСЛАН ВА ЛЮДМИЛА» пантомима-феерияси (19.30 да).

Узбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг

РЕСПУБЛИКА ҲИСОБЛАШ МАРКАЗИ

«ЕС-1022», «ЕС-1033», «Минск-32» электрон-ҳисоблаш машиналари вақтини

ИЖАРАГА БЕРАДИ

Буюртмачилар стандарт математик таъминот, системали программалаш бўйича консультациялар, хизмат кўрсатиш учун операторлар ва программистлар билан таъминланади. Белгиланган ишларнинг ўз вақтида бажарилишига кафолат берилади.

Ҳисоблаш маркази лойиҳа, қидирув ва конструкторлик ташкилотлари учун типовой программага эга.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Луначарский шоссеси, 42-уй. Телефонлар: 66-06-06, 66-21-30.

Республика рус тили ва адабиёти педагогика институти ректорати кафедра мудири Э. А. Азларовга онаси

Ҳабиба ТИЛЛАХУЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент — П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-11-49; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-70-78; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 02162. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. А. — 206. 10